АДОЛАТ ХАР ИШДА ХАМРОХИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил
16 ИЮЛ
сешанба
№ 28 (284)
Сотувда
эркин
нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

11 yil avval va bugun

ОЗОДЛИКНИНГ ОЙДИН КУНЛАРИ



Ҳар бир нарсанинг қадр-қиммати таққослаш натижасида аниқланади. Шу боис, ҳар бир ҳодиса ва ҳаракатни қиёслаш орқали баҳолаймиз. Халқимиз тақдирда улкан ҳодиса ҳисобланмиш Мустақиллик ҳақида гап кетганда ҳам беихтиёр қора ўтмиш, янаям тўғрироғи, собиқ шўро даври тилга олинади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Истиқлол деб аталган улуғ неъматнинг қадри ва нашидаси ана шунда бор бўй-басти билан намоён бўлади. Ўтган ўн бир йил давомида Мустақиллик шарофати билан юртимизда мўъжизалар яратилганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Қуйида ана шу улуғворликни англаш йўлида юртдошларимиз кўнглида туғилган мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Етмиш етти қовун пишиғини кўрдим. Ўтган умрим давомида ёлғизгина бошим нима кунларни кўрмади, дейсиз?! Иккинчи жаҳон уруши йилларида бўз йигит эдим. Тоғни талқон қилгудек кучим бор эди. Афсуски, шундай кучни тоғни талқон қилиш ёки афсонавий Фарҳоддек сув келтиришга ишлатмадим. Ким учундир эриш туюлса-да, айтаман: ҳўкизнинг ўрнига бўйинга бўйинтуриқ кийиб, омоч судрадим. Номим бригадир эди. Қўлимга бир парча қоғоз беришди. Кейин билсам, бу қоғознинг номи "брон" экан. Энди у пайтларда биз каби бўз йигитларга уруш деган ҳам бир ҳавасдай гап бўлган бўлса керак-да. Ҳарбий комиссариатга бордим. "Тенгқурларим урушга кетаяпти. Мени ҳам жўнатинглар", деб талаб қилдим. Ҳарбий комиссариатдагилар ўзга тилда нималарнидир гаплашишди. Уларнинг тилини тушунмаганим учун нимани сўрашса, маъқуллаб бош иргайман. Кимларгадир қўнғироқ қилишди. Ўзаро суҳбатлари тугагач, эшикни кўрсатиб, "пошел вон", дейишди. Бу мен ўрганган биринчи ўрусча сўз эди. Елкамни қисиб уйга қайтдим. Уйга келсам, колхозимиз раиси қидираётган экан. Идорага борсам, бўралатиб сўкиб берди.

— Аҳмоқ бола экансан-ку, — деди раис. — Одамлар ким нечтага эланиб "брон" ололмай юрибди. Мен сенинг ота-онангни ўйлаб урушдан олиб қолсам-у, яна ҳарбий комиссариатда пишириб қўйибдими? Бундан кейин қадамингни ўйлаб бос, бола. Бўлмаса нақ "штрафной"га жўнатиб юбораман...

Шу-шу бўлди-ю, тақдирим колхоз билан боғланди. Боя айтганимдай, ҳўкизнинг ўрнига омоч судрадим. Кейинроқ раиснинг "меҳрибонлиги" сабабини ҳам билиб олдим. Ўзи айтди. Колхозда омоч судрашга ярагулик бирон-бир жонзот бўлмагани учун "юқори"дагилар билан маслаҳатлашиб, мени танлашган экан.

Хуллас, тишим чиққандан сочим оқаргунга қадар далада ишладим. Тўғрисини тан олиш керак, бирим икки бўлгани йўқ. Шу билан бирга очдан ҳам ўлмадим. Ишқилиб, элда бировдан кам, бировдан зиёд яшадим. Марҳума турмуш ўртоғим — Норхол момонгиз билан ўн икки фарзандни тарбияладик. Бугун эллик нафардан ортиқ невара, йигирма нафар чевараниng бобосиман. Мақтаниш бўлса ҳам, пиру бадавлат отахон, деса дегулик бўлиб юрибман.

Бир гапнинг ростини айтиб қўя қолай. Ҳали шу ёшга кириб бирор жойга тўрт оғиз гапни қоралаб ёзганим йўқ. Ҳозир неварамга айтиб туриб ёздираяпман. Шунинг учун гапларим узуқ-юлуқ чиқса, ўзларингиз тузатиб ўқирсизлар, деган умиддаман.

Энди мақсадга ўтсак, яқинда Тошкентга борган эдим. Оғзим очилиб қолди. Ана қурилишлар-у, мана қурилишлар. Тўғриси, ўзимни жаҳонгашта дея олмайман-у лекин бир пайтлар бир-икки юртга борганман. Тошкентни ҳам беш-олти марта кўрганман. Лекин кейинги йилларда мамлакатимиз бош шаҳридаги ўзгаришларни кўриб, қойил қолдим. Ўтган сафар борганимда, Мустақиллик майдонидаги "Хотира майдони"ни зиёрат қилган эдим. Кимга қандай билмадим-у, аммо мен ўша майдонга борганимда гўёки ёшлигимга қайтгандим. "Мотомсаро она" ҳайкалини кўриб, иккинчи жаҳон уруши йилларида мен билан ёнма-ён яшаган онахонлар билан қайта дийдорлашгандек бўлдим. Ахир, ўз отаси, акаси эри ёки бирор-бир жигарпорасини урушга жўнатиб, умрининг сўнгги кунигача уларнинг йўлига кўз тикиб яшаганларни кўрганман. Улар ўзлари ҳаётдан кўз юмаётиб ҳам жигарпоралари урушдан қайтишига ишонишаган. Ёлғон бўлса ҳам, умиднинг бори яхши экан. Ана шу ишонч, умид уларни бу дунёда ушлаб турган. Мен "Мотамсаро она" ҳайкали кўзидаги мунгда ўша ҳамқишлоқларимнинг нигоҳларида бўлган ғамгин умидни кўргандек бўлдим.

Баҳорда неварам Зафаржон Тошкентга сафарга бораётган экан. Қўярда-қўймай мени ҳам олиб кетди. Етмишдан ошган одамга ошхона-ю сайлгоҳларнинг қизиғи йўқ. Барака топсин, неварам ҳам дилимдагини тушунди. Унинг вақтини беҳуда олмайин, деб ўйласам-да, ичимда шу "Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳини бир кўрсам, деган умидим бор эди. Чунки телевизорда ҳар гал кўрсатишганда, албатта, бир бориб зиёрат қиламан, деб кўярдим. Ниятим холис экан. Зиёрат қилдим. Зиёрат қилаяпман-у, ичимдан йиғи қайнаб келаяпти, денг. Тўғрисини айтиш керак, бўлиб ўтган икки урушда, қатағонларда қирғин бўлганлардан ташқари ҳам, ўша оғир йилларимизда юзлаб ҳамқишлоқларимиз очликдан, қийинчиликлардан, турли-туман қийноғу-азоблардан дунёдан кўз юмиб кетишган. Уларнинг орасида чол-кампирлардан бошлаб, бегуноҳ болаларгача бор эди. Назаримда, уларнинг ҳам руҳлари мана шу муқаддас зиёратгоҳда тўпланган-дай, уларнинг руҳларини унутмаган, руҳлари шод бўлишини ўйлаб шундай гўзал боғлар барпо этаётган юртдошларимизни олқишлаётгандай...

Сўзимнинг аввалида айтдим. Мен икки тузумда яшаяпман. Аввалги шўролар даврида ҳаёт дегани шу экан деб, яшаб юраверган эканмиз-да. Агар юртимиз осмонида озодликнинг ойдин кунлари бошланмаганида эди, ҳеч балони кўрмай-билмай дунёдан ўтиб кетаверар эканмиз. Мен болаларим, невараларимга "бу кунларни қадрига етинглар", деб кўп айтаман. Яқинда уларнинг шўхроғи савол бериб қолди: "Бобо, шу гапни кўп айтасиз. Бизга тушунтириб берсангиз, икки даврнинг ўртасида қандай фарқ бор".

Очиғи, аввалига жаҳлим чиқиб кетди. Кейин ўйлаб кўрсам, у ҳақ экан. Биз — кечаги кунни кўрган кексалар ҳаётий мисоллар билан уларга айтиб беришимиз керак экан. Шу баҳонада невараларимга сўзлаб берганларимни сизларга ҳам ёзиб юбораяпман.

Мана, бундан ўн бир йилгина аввал оддийгина номоз ўқишга кўрқардик. Рўзани яшириб тутардик. Ўзимнинг бошимдан ўтган бир мисол. Рўза кунларининг бирида тушликка яқин идорага чақириб қолишди. Борсам, нотаниш бир киши бор экан. Салом-аликдан сўнг олдидаги чойнакдан бир пиёла чой қуйиб узатди. Кўз қарашидан сездимки, бежизга эмас. Чойни олиб, ичимда "худонинг ўзи кечирсин", деб ичдим. У ишларимни суриштирган бўлди-ю, кейин жавоб бериб юборди. Уни кимлигини ҳам сўрамадим. Чунки ич-ичимдан сезган эдим-ки, у мени рўза тутган ёки тутмаганимни текширишга келган эди. У кезлар бундай чақувлар тез-тез бўлиб турар ва унинг оқибатида азият чекканлар кўп эди.

Бугун ким бизнинг ибодат қилишимизга халақит бераяпти?! Ким кимни рўза тутгани учун сўроқ қилаяпти?! Шахсан ўзим 1997 йилда муқаддас Каъбани зиёрат қилиб, ҳожи бўлиб қайтдим. Шўро замонида ҳажга бориш у ёкда турсин, бу ҳақда ўйлаган одамларни ҳам олиб бориб қамашмасмиди?

Бугун хоҳлаган қишлоғингиздан бориб сўранг, ўша қишлоқда кимнингдир ҳеч бўлмаса бир нафар фарзанди хорижда ўқиётган ёки ишлаётган бўлади. Мустақилликкача оддий деҳқоннинг боласини Америка ёки Англияга боришини тасаввурингизга сиғдира олармидингиз? Йўқ, албатта.

Мен деҳқонман. Деҳқончиликнинг нонини еб шу ёшга кирдим. Суягим кетмон чопиб қотган. Лекин деҳқонга, унинг меҳнатига бугунгидай эътибор ҳеч бир даврда бўлмаган. Куни кеча эди "ер сеники ҳам эмас, меники ҳам. Давлатники. Давлат эса мен бўламан", деб деҳқоннинг нони "туя" қилинган даврлар. Бугуннинг деҳқонини алдаб бўпсиз. Чунки у энди ўз ҳақ-ҳуқуқини билади. Агар унинг ҳақига хиёнат қилинадиган бўлса, хоҳлаган "катта" билан қонун тилида гаплаша олади. Ўз ҳақини бировга бериб қўймайди бугуннинг деҳқони. Энг асосийси, бугуннинг деҳқони ўз ерини асраб-авайлайди. Уни эртасини ўйлайди. Ўзини боқаётган ер, эрта бир куни фарзандларининг ҳам кунига асқотишини яхши билади.

Мана, кечаги кун билан бугунги кун ўртасида мен — оддий ўзбек деҳқони кўраётган фарқларнинг энг оддийлари. Бундай мисолларни эса ҳар бир соҳадан, хоҳлаганингизча топишингиз мумкин. Шундай экан, бугунги озодликнинг ўтаётган ҳар бир ойдин кунини кўзимизга тавоф қилсак, арзийди.

Бўри ҳожи бобо ПЎЛАТОВ,
Хатирчи тумани

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган республика "Маънавият ва маърифат" кенгашининг навбатдаги мажлисида маданият, таълим-тарбия соҳаси ходимлари, ижодкор зиёлилар, ноширлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

* * *

Мамлакатимиз ғаллакорлари 2 миллион 800 минг тонналик улкан хирмон уйиб, дон тайёрлаш шартнома режасини муваффақиятли бажарди.

* * *

"Экосан" халқаро жамғармасида 11 июл Жаҳон аҳолишунослик кунига бағишлаб ҳамда Йоханнисбургда бўладиган "Рио+10" жаҳон саммитига тайёргарлик доирасида "Аҳолишунослик ва барқарор ривожланиш" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Германиянинг Дортмунд шаҳрида юнон-рум кураши бўйича бўлиб ўтган «Гран-при» туркумидаги халқаро турнирда Ўзбекистонлик полвонлар умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

To`rtinchi hokimiyat

ЖУРНАЛИСТИК ТЕКШИРУВ НИМА?

Жамият тараққиётида матбуот ва оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади. Президентимиз Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида жамиятни орқага тортаётган муаммо ва нуқсонлар, камчилик ҳамда хатолар ҳақида ҳам таъкидлаб ўтди. Ҳақиқатан ҳам, бугунги барча соҳадаги ўзгариш ва олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ҳақида очиқ-ойдин ва бегараз ахборот ҳамда маълумотлар тарқатиш журналистларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши лозим. Чунки янги жамият қуриш йўлида ҳаракат қилаётган халқимизнинг интилиши ва иродасини мустаҳкамлаш, янгича фикрлайдиган авлодни тарбиялаш, жамиятда соғлом ижтимоий фикрни шакллантириш, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашда журналистларнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Бунинг учун эса мамлакатимизда етарли қонунчилик асослари яратилган ва журналистлар учун кенг кафолат ҳамда эркинлик мавжуд.

Маълумки, одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб кўпроқ журналистларга мурожаат қилади, улар билан кўпроқ муносабатларга киришади. Назаримизда, бундай ҳолларда журналистлар ўзларига мурожаат қилган ҳар бир кишининг муаммосини эшитиб, кўплаб ҳаракатларни амалга оширишади ва тегишли хулосага келишади.

Албатта, ҳаётда учраб турадиган раҳбар томонидан ҳодимнинг қонунсиз ишдан бўшатилиши, нафақанинг нотўғри ҳисобланганлиги, милиция ходимининг ҳайдовчига нисбатан муносабати ўз жойида қонун доирасида тегишли идоралар ваколати доирасида кўриб чиқилиши билан ҳал этилиши мумкин. Бунинг учун эса ҳар бир фуқаро қонунлардан хабардор бўлиши, уларни қўллай билиши, тегишли ҳуқуқий билимга эга бўлиши талаб қилинади.

Собиқ шўро замонидаги матбуотдан зўрлик ва кўрқитиш қуроли сифатида фойдаланилганини яхши биламиз. Бугунги журналистнинг жамият аъзолари билан бевосита муносабатда бўлиши инобатга олинса, журналистлар ўз ваколатлари, мажбурият ва масъулиятларини аниқ билиб олишлари лозим бўлади.

Яқинда, "Ҳуррият" газетасининг 27 июн сонида "Инсон ва қонун" газетасининг мухбири Бахтиёр Олламуроднинг "Қани ёзиб кўрчи?" номли мақоласи эълон қилинди. Журналист бир фуқаронинг шикояти асосида Термиз шаҳар ИИБ терговчиси А. Бозоровнинг ҳузурига борганлиги ва ўртада юзага келган тортишув ҳақида ёзади. Мақоладан шу нарса кўринадики, журналист аризани ўрганиш мақсадида текширув ўтказмоқчи бўлганида терговчи билан ваколат талашган. Шу ўринда журналист аризани қай йўсинда ўрганиш керак эди ва терговчи ўзининг процессуал ваколатидан ўринли фойдаландими ёки бу келишмовчилик ариза ва ундаги масалаларга бевосита тегишлими, деган савол пайдо бўлади. Фикримизча, агар журналист ҳам, терговчи ҳам ўз ваколат доирасини аниқ билмаса, қонунни тўғри қўллай олмаса, ҳаракатларини қонун асосида олиб бормаса, кўплаб тортишув ва келишмовчиликлар юзага келаверади.

Маълумки, журналистик текширувнинг асосий вазифаси ҳақиқатни аниқлаш ва шахсий мулоҳазалар, далил, рақам, қиёсларни оммага маълум қилиш, жамиятда ижтимоий фикрни шакллантиришдир. Журналистик текширувнинг объекти эса мансабдор шахслар ва ахборот беришга мажбур бўлган шахслар фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади. Текширувнинг мақсади эса қонунчилик йўл қўйган текширувнинг шакл, восита ва усулларидан фойдаланиш натижасида ҳаққоний ахборот олиш ҳамда тарқатишдан иборат.

Журналистик текширув барча соҳаларда ва ҳар қандай ҳолатларда олиб борилиши мумкин. Журналист бўлаётган воқеа, ҳодисаларни кузатиш билан бирга ўзини қизиқтирган ҳар қандай маълумотни йиғиш, тўплаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ахборотлар олиш билан ўз ваколатини амалга оширади. Қонунчиликка кўра, журналист ёзма аризалар орқали сўровлар бериши ва жавоб олиш ҳуқуқига эга. Журналистик текширув шахсий, ижтимоий хатти-ҳаракатлар бўлиб, натижаси билан жамоатчилик танишиши мумкин бўлган ахборот ва маълумотлардир. Журналистик текширув суриштирув, тергов, суд текширувидан моҳияти ва ҳуқуқий мақоми жиҳатидан фарқ қилади.

Жиноят-Процессуал Кодексининг 15,22,36,38,39-моддаларида процессуал текширувлар олиб борувчилар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ҳаракат доираси, ҳуқуқий мақоми белгиланган. Процессуал ҳаракатни олиб борувчи шахслар мансабдор шахслар ҳисобланса, журналистик текширувни ўтказувчи шахслар мансабдор шахс бўлмасликлари ҳам мумкин.

Журналистик текширувда журналист қонунчилик йўл қўйган доирада ўзини қизиқтирган ҳар қандай ҳаракатларга аралашишга ҳақли. Бироқ бу журналист содир этилган ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатиши ёки уни қўзғатишга даъват этиши, тергов ҳаракатлари олиб бориши, суд-тергов материалларини ошкор қилиши ёки процессуал ҳаракатларини чалғитиш дегани эмас. Ташқаридан қараганда, процессуал ва журналистик текширув бир-бирга ўхшашдек туюлади, ваҳоланки, уларнинг натижалари икки хилдир.

Процессуал текширув натижалари қонун меъёрлари билан баҳоланади ва ҳуқуқий хулоса билан якунланади. Журналистик текширув натижалари эса шахсий ва ижтимоий кузатув бўлиб, у жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилади ва унинг натижаси ахборот хусусиятига эга бўлиб, ҳар бир киши томонидан тегишли баҳоланиши, унга нисбатан фикр билдирилиши мумкин. Журналистнинг хулосаси ёки унинг натижасида шаклланган ижтимоий фикр мажбурий кучга эга эмас.

Мансабдор шахслар журналистнинг текширув олиб боришига имконият яратиб бериши, улар фаолияти амалга оширилаётганда тегишли ёрдам кўрсатиши, ахборот ва маълумотлар бериши воқеа-ҳодисаларнинг холисона баҳоланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида жамоат назоратининг ўрнатилиши билан ҳам изоҳланади.

Журналист текширувининг юқори савияда ва қонун доирасида олиб борилиши жамиятдаги иллатларнинг фош этилишида, унинг илдизлари сохта маълумотлар ёхуд бўхтондан иборат бўлса, шунингдек, шахснинг қадр-қиммати, обрўсига путур етказса, у ҳолда айбдор бўлган журналистнинг қонун олдида жавобгар бўлиши журналистларга ҳуқуқ бериш билан бирга катта мажбурият ҳам юклайди. Журналист эълон қилаётган барча ахборот ва маълумотлари учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Журналист бурч нуқтаи назаридан жамиятдаги барча кучларни мувозанатда ушлаб туришига ҳам мутасадди ҳисобланади. Одамлар мамлакат ва дунёда содир бўлаётган воқеа ҳамда ҳодисаларнинг тафсилоти билан биринчи бўлиб журналист ахбороти орқали хабардор бўлишади. Шу боис журналистикани жамиятнинг ўзига хос ойнаси сифатида таърифлашади. Ўзбек журналистлари олдида ана шу шарафли мақомга лойиқ бўлиш вазифаси кўндаланг турибди. Бу эса ўз навбатида улардан изланиш, фидойилик, бурч ва масъулият талаб этади.

Хуллас, бугун журналистика ўзига юкланган ва қонунчиликда белгилаб қўйилган вазифаларни адо этиши, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашиши, жамиятни соғлом ахборот билан таъминлаб туриши, жамиятдаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида хабар бериши, турли ижтимоий тоифалар ўртасидаги мувозанатни таъминлашга ёрдам бериши лозим. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатда журналистика ўз ўрнини топиб олиб, жамиятни эргаштирувчи кучга айланиши табиий.

Бобокул ТОШЕВ,
ҳуқуқшунос

Tahlil ko`zgusi

ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

БЕШИНЧИ МАЪЛУМОТ

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ўртасида махсус саволнома асосида сўров ўтказилди.

Шуни айтиш керакки, сўровга иштирок этганларнинг 2272 нафари (44,5 фоиз) якка тартибдаги тадбиркорлар, 755 таси (14,8 фоиз) кичик корхоналар, 526 таси (10,3 фоиз) микрофирма, 420 таси (8,2 фоиз) ўрта бизнес субъектлари, 1134 таси (22,2 фоиз) бошқа шаклдаги тадбиркорлик субъектлар вакилларини ташкил этди.

Сўралган тадбиркорларнинг 1811 таси (35,5 фоиз) давлат рўйхатидан белгиланган муддатда ўтказилмаган. Масалан, уларнинг 802 таси (15,7 фоиз) 1 ой, 335 таси (6,6 фоиз) 2 ой, 285 таси (5,6 фоиз) 3 ой, 190 таси (3,7 фоиз) 6 ой, 110 таси (2,2 фоиз) 1 йилда, 89 таси (1,7 фоиз) 1 йилдан кўп муддат ичида давлат рўйхатидан ўтганлигини кўрсатишган.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Тошкент тумани, Юнусобод қишлоқ фуқаролар йиғини "Чимкент йўли" кўчасида жойлашган "Мадина-Р" хусусий соғломлаштириш-саёҳат мажмуасини вилоят муниципал биржасининг 2001 йил 13 декбардаги 1235-сонли олди-сотди шартномасига асосан хусусий мулк сифатида Р.Аминжоновага бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилган. Мазкур гувоҳномада вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Давлат кадастрлари ягона тизими бошқармасининг Тошкент тумани ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри рўйхатдан ўтказганлиги ва 1727255855-288-4 рақами билан белгиланганлиги қайд этилган.

Р.Аминжонова 2002 йил 23 январ куни хусусий фирма низомини Давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб, ариза билан туман ҳокимига мурожаат қилган. Унинг аризаси туман ҳокимлигининг девонхонасида 2002 йил 23 январ куни рўйхатга олинган ва ижро қилиши таъминлаш учун туман ҳокимлигининг "Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш" бўлими бошлиғи А.Йўлдошевга берилган. А.Йўлдошев аризани шу куннинг ўзида қабул қилиб олганига қарамай 2002 йилнинг 10 мартига қадар бирон-бир амалий иш олиб бормаган. Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамасининг 347-сонли қарорида юридик шахс мақомага эга бўлган тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатига олишнинг умумий муддати 12 иш кунидан ошмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Албатта, вилоят адлия бошқармаси Тошкент тумани ҳокимлигига бундай қонунбузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 2002 йил 14 мартида тақдимнома киритди. Шу билан бирга Р.Аминжанованинг манфаатини кўзлаб, туман ҳокимининг муовини С. Қаюмов ва "Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш" бўлими бошлиғи А.Йўлдошевдан етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақида 2002 йил 18 мартда Зангиота туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси ҳам киритилди. Энг муҳими, даъво аризаси суд томонидан 2002 йил 24 майда кўриб чиқилиб, ҳоким муовини С. Қаюмовдан 50 минг сўм ва бўлим бошлиғи А.Йўлдошевдан 25 минг сўм маънавий зарар Р.Аминжанова фойдасига ундириш белгиланди.

Энди яна сўров натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, унда иштирок этган тадбиркорларнинг таъкидлашича, вилоятда қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳоллари ҳам мавжуд. Жумладан, сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 1088 нафаридан (21,3 фоиз) давлат рўйхатидан ўтиш, 495 нафаридан (10 фоиз) лицензия олиш, 419 нафаридан (8,2 фоиз) ҳисобот топшириш, 398 нафаридан (7,8 фоиз) ер ажратиш, 448 нафаридан (8,8 фоиз) кредит ажратиш ва 100 нафаридан (2 фоиз) экспорт ва импорт операциялари ўтказиш, 439 нафаридан (8,6 фоиз) бошқа ҳолларда ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, "Тадбиркорбанк"нинг Оққўрғон туман бўлими томонидан "Бойчечак" деҳқон хўжалигига 6.800.000 сўм кредит ажратилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohotlar jarayoni

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун эълон қилингандан сўнг суд ижросида ундирувни қарздорнинг мол-мулки ва иш ҳақларига қаратиш тартиби, ижро ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жавобгарлик, суд ижрочисининг мақоми каби ижро жараёни билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар аниқ белгилаб берилди.

Хусусан, ушбу Қонунга асосланган ҳолда суд ижрочиси вазифаси жиноий, фуқаролик ва хўжалик судлари таркибидан чиқарилиб, Судлар Департаменти ҳудудий бўлимининг туман ва шаҳар бўлинмалари суд ижрочилари сифатида қайта ташкил қилинди. Ҳозирги пайтда Департаментнинг Навоий вилоят ҳудудий бўлими таркибида ҳам 11 та суд ижрочилари бўлинмалари мавжуд бўлиб, уларда 28 нафар суд ижрочиси фаолият кўрсатмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, суд ижрочилари энди мустақил равишда қарор-

ИЖРО АМАЛДА

лар қабул қилиш, бу қарорлар тарафлар ва бошқа шахсларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, ижро ишини қўзғатиш, тугатиш, тўхтатиб туриш ва жарима солиш каби ваколатларга эга. Шу сабабли суд ижрочиси лавозимига муносиб мутахассисларни танлаш, суд ижрочиларининг касб маҳорати ва билим савиясини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Навоий шаҳрида ташкил этилган Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари суд ижрочилари ва ҳудудий бўлим ходимлари минтақавий амалий-назарий машғулот ана шу масалаларга бағишланди. Мазкур йиғилишда шу нарса таъкидландики, йилнинг ўтган уч ойида биргина Навоий вилоятида ижро варақаларнинг сони 880 тага кўпайган. Жумладан, шу даврда фуқаролик ишлари бўйича судлардан 1539 та варақа келиб тушган бўлса, 633 таси жиноий ишлар бўйича судлардан, 280 таси хўжалик судларидан, 6 таси ҳарбий судлардан, 10 таси солиқ идоралари, 35 таси ички ишлар идоралари ва 498 таси бошқа идоралардан ижро амалга оширилган.

Суд ижрочиларининг саъй-ҳаракати билан вилоятда белгиланган ижро варақа юзасидан 89 798 104 сўмлик зарар давлат фойдасига ундирилган.

Йиғилишда вилоятда бу борада камчиликлар ҳам борлиги қайд этилди. Навоий, Хатирчи, Қизилтепа ва Навбаҳор туман бўлинмалари суд ижрочилари фаолиятида йўл қўйилган хатоликлар танқид қилинди. Бўлиб ўтган минтақавий йиғилиш мамлакатимизда суд ижроси тизимининг замонавий талаблар асосида қайтаислоҳ қилиниб, ҳар бир суд ҳукмининг амалий тус олишини таъминлашда ўзига хос йўл тутилаётгани муҳим ютуқ сифатида эътироф этилди.

Бахтиёр САЙФИЕВ,
Навоий вилояти

Ajab savdolar

КРЕДИТ МАШМАШАСИ

ЁКИ

ТАҚДИМНОМА ЮЗАСИДАН КЕЛГАН ХАТ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Аслида тадбиркорликнинг ўзи таваккалчиликдан иборат. Бундан дейишимиз қонунан асосли. Чунки **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонуннинг 3-моддасида “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) — тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият" дея қайд этилган.

Албатта, ҳар қандай ривожланиш, тараққиёт ташаббускорлик, фидойиликни талаб қилади. Мустақиллик фуқароларимизга тадбиркорлик учун ана шундай имкониятларини яратиб берди. Шамсиддин Тўраев ва Насиба Назаровалар таваккал қилганлари йўқ. Чунки балиқчилик, ғоз ва ўрдак парваришлаш бўйича уларнинг тажрибалари бор эди. Шу сабабдан улар ҳамкорликда харидори-ю, хўрандаси кўп парҳез гўшт ҳамда балиқ етиштириш билан мулкдор бўлишни, аҳоли дастурхони сероблигига ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўйдилар.

Улар ўзлари яшаб турган Тойлоқ туман ҳокимлигига “Ширмойи ССА” балиқчилик масъулияти чекланган жамият ташкил қилиш мақсадида барча таъсис ҳужжатларини тақдим қилишади. Туман ҳокимининг 2001 йил 5 декабрдаги 901/12-К рақамли қарори билан жамият давлат рўйхатидан ўтказилади. Жамият раҳбарлигига Н. Назарова сайланади.

Раҳбар Н. Назарова жамият фаолиятини ривожлантириш мақсадида ўзларига хизмат кўрсатаётган “Ғаллабанк”нинг Самарқанд минтақавий филиали бошқарувчисига 7 миллион сўм миқдорида банк кредити сўраб, мурожаат қилади. Банк мутасаддилари ҳозирча бунча маблағ йўқ эканлигини айтиб, бошланғич сармояни шакллантириш учун 1 миллион сўм миқдорида кредит олишни таклиф қилишади. Шу билан бирга жамият балиқчилик ҳавзаси қурилишини бошлаб юборса, қўшимча кредит ажратишига ваъда беришади.

Албатта, ўз навбатида жамият балиқхона қурилишини бошлаб юборади. Аммо ишни ниҳоясига етказиш, балиқ ва паррандалар сотиб олиш учун яна маблағга эҳтиёж туғилади. Бусиз эса ишни давом эттириб бўлмайди. Шу мақсадда Н. Назарова 2002 йилнинг 25 февралида банк бошқарувчиси М. Ҳасанов номига 6 миллион 900 минг сўм миқдорида кредит ажратишларини сўраб, ариза беради. Барча ҳужжатлар мижоз ва банк ўртасида расмийлаштирилади.

Кредит шартномаси расмийлаштирилгач, орадан бир ярим ойча вақт ўтади. Аммо маблағ мижоз ихтиёрига етиб келмайди. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлар экан. Шу орада жамият раҳбари Н. Назарованинг бахтга қарши соғлиғи ёмонлашиб қолади. У раҳбарликка таъсисчи Ш. Тўраевни таклиф этади. Жамият умумий йиғилишининг 2002 йил 16 апрелдаги қарори билан янги раис сайланади.

Аслида ҳамма машмаша шундан кейин бошланади. Банк мутасаддилари Шамсиддин Тўраевни жамият раҳбари сифатида тан олишмайди. Чунки банк ва жамият ўртасида тузилган 7-сонли шартномани Н. Назарова имзолаган эди. Ш. Тўраевнинг мурожаати жамият Низоми ва таъсисчилар шартномасида белгиланган қоидаларга тўла мос келарди. Нега деганда, Ш. Тўраев жамият таъсисчиларидан бири ҳисобланади. Бунинг устига уни жамият олий органи-умумий йиғилиш қонуний раҳбар этиб сайлаган. Нотариал идора орқали янги раҳбарнинг имзоси ва жамият муҳри намуналари тасдиқланиб, банкка тақдим этилган. Демак, Ш. Тўраев раҳбар сифатида иш кўришга ваколатли. Буни банк раҳбари ва мутасаддиларига харчанд тушунтирмасин, Ш. Тўраевнинг саъй-ҳаракатлари ҳавога учади. Банкдагилар жамиятнинг янги раисини тан олишмайди. Ҳатто улар “Ўзагросуғурта” Давлат агро-суғурта компаниясининг шу йил 6 мартдаги, “Мадад” суғурта компаниясининг 11 мартдаги кафолат хатлари борлигига ҳам қарамай кредит маблағлари ажратишни истамайди.

Ночор қолган тадбиркор вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Бошқарма томонидан ушбу ҳолатлар ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилиб, жамиятга кредит ажратишда амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилган деб топилди. “Ғалла банк”нинг Самарқанд минтақавий филиали раҳбари М. Ҳасанов номига 2002 йил 3 июнда “Ширмойи ССА” балиқчилик масъулияти чекланган жамият билан тузилган кредит шартномасига кўра белгиланган 6 миллион 900 минг сўм кредит маблағи берилишини зудлик билан ҳал этиш, жамиятнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилган айбдорларга интизомий жавобгарлик масаласи кўриб чиқиш, келгусида банк тизимида бундай қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш сўралган тақдимнома киритди.

Аммо бу тақдимнома ижросини таъминлаш банк раҳбариятига бироз малол келган кўринади. Чунки М. Ҳасанов имзоси билан адлия бошқармасига жўнатилган жавоб хати билан танишсангиз, сиз ҳам шундай хулосага келасиз.

Эмишки, жамиятга бундан олти ой муқаддам бошланғич сармояни шакллантириш учун банк томонидан берилган 1 миллион сўм кредит бизнес режада кўрсатилган ишларни амалга ошириш учун сарфланмаган. Н. Назарова билан янги раҳбар Ш. Тўраев ўртасида қабул қилиш, топшириш ишлари амалга оширилмаган эмиш. Қачонки Н. Назарова жамиятга раҳбар этиб сайланса, кредит бериларміш.

Банк раҳбари М. Ҳасанованинг тақдимнома юзасидан берган жавоб хати саволларга жавоб талаб қилади. Мана, улар: биринчидан, Н. Назарова банк билан кредит шартномасини имзолаб, Ш. Тўраев сайланганига қадар ўтган вақт ичида нега жамиятга кредит берилмади?

Иккинчидан, асослари тўғри бўлса, 6 миллион 900 минг сўм кредит сўраб мурожаат қилган пайтда банк кредит қўмитаси аъзолари тақдим этилган баланс, бизнес режани ўрганиш чоғида аввал олган кредит ажратилмаганлиги учун аризани нега рад этишмади?

Учинчидан, жамият баланси яхши, унга кредит ажратиш мумкин деган хулоса берилиб, кредит шартномаси тузилди ва уни қайтармасликнинг олдини олиш мақсадида таъминот нега талаб қилинди?

Тўртинчидан, дастлаб олинган кредитнинг қайтарилишига ҳали икки ярим йил борлигини наҳотки банкдагилар билишмайди?

Бешинчидан, банкдагиларнинг жамият олий органи-умумий йиғилиши ваколатини чеклаш, нотариал тартибда ҳамда амалдаги қонунлар ва кредитга доир меъёрий ҳужжатларга зид иш тутишларини қандай тушунса бўлади?

Олтинчидан...

Дарвоқе, олтинчидан республика “Ғаллабанк” бошқаруви ушбу кредит машмашасига қандай муносабат билдиради?

Сафар ТОҒАЕВ,
Шарофиддин МУСАЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Adliya tizimi

ҚАШҚАДАРЁ

Бугунги кунда вилоятда хўжалик юритувчи субъект ҳисобланадиган 17393 та корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундан 405 та корхонада тузилган шартномалар адлия бошқармасининг туманларга бириктирилган ходимлари билан биргаликда кўриб чиқилди. Жумладан, мавжуд 172 та ширкат хўжалигидан 63 та, 4600 та фермер хўжалигидан 118 та, 264 та деҳқон хўжалигидан 49 та, 8246 нафар ижарачидан 2103 нафари, 28090 нафар оила пудратчиларидан 124 нафари ва 12407 та бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан 154 тасида тузилган шартномалар кўриб чиқилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган 682534530 сўмлик 193 та шартнома, 155417951 сўмлик 36336 та ички пудрат шартномаларидан 315661400 сўмлик шартнома адлия бошқармаси ходимлари ёрдамида тузилди.

Ўтказилган текширишлар давомида 1 миллион 13 минг сўмлик 2 та нотўғри тузилган шартнома аниқланиб, қайта туздирилди.

Муддатда бажарилмаганлиги ҳамда шартнома талаблари бузилганлиги учун 42 та тақдимнома киритилди. Шундан оила пудратчилари манфаатини кўзлаб 196416 сўмлик 2 та тақдимнома киритилган. 1 та хўжалик юритувчи субъект манфаатини кўзлаб киритилган талабнома бўйича 19 млн 700 минг сўм ундириб берилди.

Судларга киритилган 50 та даъво аризасидан шу кунга қадар 45 таси суд мажлисида кўрилиб, тўлиқ қаноатлантирилган ва 5 та даъво аризаси суд мажлисида кўрилиши арафасида турибди.

Табиат мўъжизаси

Qonun va biz

ТАҚДИМНОМАГА ҲОЖАТ БОР (МИ?)

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар жараёни амалга оширилаётган бир пайтда баъзи жойларда унга тўсқинлик қилиш ёки билиб-билмай хатога йўл қўйиш ҳоллари учраб турибди.

Хатирчи туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги қишлоқ хўжалик корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш борасида худди шундай ҳолат юз бергани хусусида тушган шикоят-аризасини вилоят Адлия бошқармаси чуқур ўрганиб чиқиб, дарҳол туман ҳокими номига тақдимнома киритган. Шу хўжалик ҳудудида яшовчи Б. Турдиевнинг аризаси ўрганилганда, қишлоқ хўжалик корхонасини фермер хўжаликларга айлантириш бўйича комиссия томонидан қонунчилик талаблари бузилгани аниқланган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг **“Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора тадбирлари тўғрисида”**ги 2002 йил 5 январдаги қарори билан қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш тартибининг 2.2-бандига кўра, комиссия қишлоқ хўжалик корхонасининг хўжалик-молия фаолияти билан боғлиқ барча кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш ва хўжаликни комплекс хатловдан ўтказиш лозим бўлса-да, бу ишлар лозим даражада амалга оширилмасдан қолган.

Мазкур тартибнинг 2.3-бандига кўра, фермер хўжаликлари учун ер майдонлари харитасини шакллантириш учун ер фондининг мавжуд ҳолати ёки аҳоли пунктлари ва деҳқон хўжаликлари, ирригация-мелиорация ва йўл тармоқлари, бошқа муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, сервитутларни ташкил этилаётган хўжаликни фермер хўжаликларига ижарага бериш назарда тутилмаган. Бундай пайтда Ер ресурслари давлат қўмитасининг туман хизматлари томонидан белгиланган тартибда лойиҳа ишлаб чиқилиши лозим бўлса-да, бундай лойиҳа ишлаб чиқилмасдан, М. Улуғбек номидаги жамоа хўжалигини қайта ташкил этилаётган фермер хўжаликларининг танловига ҳавола этилаётган ерлар бўйича маълумот-жадвал ишлаб чиқилган, холос. Унда аҳоли пунктлари ва деҳқон хўжаликлари, ирригация-коммуникациялари, ер майдонларига бўлган эҳтиёж, амалдаги чеклашлар ва сервитутлар, лойиҳага кўра ташкил этилаётган фермер хўжаликларига бевосита ижарага бериш назарда тутилмаган ердан фойдаланиш ва бириктиришнинг бошқа шартлари кўрсатилмаган.

Шунингдек, бундай жадвал жами 3 марта ишлаб чиқилган бўлиб, биринчи марта қишлоқ хўжалик корхонаси ўрнида 39 та фермер хўжалиги ташкил этиш белгиланган. Бундан кейин ҳам жадваллар тендер ўтказилгандан сўнг қайтадан кўриб чиқилган бўлиб, 2-маълумот-жадвалга кўра 59 та, 3-маълумот — жадвалга кўра, 83 та фермер хўжаликлари ташкил этиш келишиб олинган. Ер майдони, мулк улуши ва кредиторлик қарзлари аниқ бўлгач, танловга қўйилиши лозим. Бу ўринда эса тендер ўтгандан кейин талабгорга ер берилиши ва унга тўғри келадиган кредиторлик қарзи комиссия томонидан ҳужжатлаштирилган. Танловда иштирок этишни хоҳлаган фуқаролар аризасини қабул қилиш муддатлари комиссия томонидан белгиланмаган. Яна бир жиҳати, фермер бўлишга талабгорларни танлаш, мутахассислиги, иш тажрибаси ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар олинмасдан танловга киритилган.

Талабгор Б. Турдиевнинг аризасида 3-бригадага қарашли 328,330, 331-контурлардан 30,2-гектар ер майдони учун бўладиган танловда иштирок этиш сўралган. Аммо танлов баённомасида фақат 328-контурдаги 10 гектар ер учун танлов ўтказилгани ва унда Файзулло Турдиев ғолиб бўлганлиги қайд этилган. Ваҳоланки, Ф. Турдиев 336-контурдаги 18 гектар ер учун ўтказиладиган танловда қатнашиш учун ариза берган. Комиссия томонидан имзоланган ҳисоб-китоб жадвалида дастлаб фақат Бахтиёр Турдиевнинг имкониятлари кўрсатилган. Кейинчалик ушбу ёзувдаги “Бахтиёр” сўзи “Файзулло” деб бузиб ўзгартирилган.

“Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш ишларининг изчиллиги лойиҳаси”га кўра талабгорлар ўртасида танлов ўтказиш ва ғолиблар тўғрисида хабар қилиш муайян бир вақтда амалга ошириш лозим. Лекин комиссия томонидан танлов ғолиблари ва уларнинг ер майдонлари бир неча марта ўзгартирилиб, баённомалар қайта-қайта расмийлаштирилган. Натижада танловдан сўнг фермер хўжалиги ташкил этилганлиги ҳақида туман ҳокимининг қарори кечиктирилган. Оқибатда қонун-қоидалар қўпол равишда бузилиб ерга фақат Б. Турдиев даъвогар бўлса-да, бошқа ер майдони учун даъвогар Ф. Турдиев сунъий равишда танлов ғолиби деб топилган. Шундан кейин Б. Турдиев эса асоссиз равишда танловга киритилмаган.

Шу ўринда биз туман ҳокимига киритилган тақдимнома юзасидан вилоят Адлия бошқармасига йўллаган жавоб хатидан кўчирма келтирамиз:

“Талабгор Б. Турдиев томонидан ёзилган аризада 328, 330, 331-контурдаги 30,2 гектар ерга ташкил этиш учун даъвогар бўлган. Шу билан бирга Ф. Турдиев ҳам 336-контурдаги 18 гектар ерни сўраб мурожаат қилган. Комиссия томонидан ушбу даъвогарларнинг аризаси кўриб чиқилиб, Ф. Турдиевга “Элибой бобо” фермер хўжалигига қўшимча 328-контурдаги 10 гектар ер ажратилди. Даъвогар Б. Турдиевнинг акаси ер олганлиги учун танловга қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Ушбу тақдимномада айтилганидек, айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги рост, аммо бундан кейин юқорида кўрсатилган нуқсонлар ва қонун бузилиш ҳолларига йўл қўймаслик учун аниқ чора-тадбирлар белгиланди”.

Шу ўринда бир гапни айтмоқчимиз. Хатирчи тумани Навоий вилоятидаги энг йирик туманлардан бири бўлиб, 150 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунча аҳолига ерни тақсимлаш учун комиссия адолатли бўлишни тақозо этади. Қонундан сал оғишдингизми, бас, адолат тарозиси бузилади, аҳоли ўртасида норозилик пайдо бўлади. Ҳамма иш рисоладагидек амалга ошириладиган бўлса, ҳокимликка тақдимнома киритишга ҳожат қолмайди.

Ёрқул УМАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Tahlil ko`zgusi

ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Аммо мазкур кредитни ажратиш пайтида мижоздан жамоа хўжалиги йиғилишининг қарори, ер майдони ижара шартномаси, ер майдони бириктириб берилганлиги тўғрисидаги далолатнома, Зангиота туман ҳокимининг 2001 йил 29 мартдаги 361-сонли қарори, туман ҳокимининг «Бойчечак» деҳқон хўжалиги Низомини давлат рўйхатига олиш ҳақидаги қарори, солиқ идораларидан идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, статистика идораларидан берилган гувоҳнома каби ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси бу ҳолат юзасидан “Тадбиркорбанк”нинг вилоят бошқармасига 2002 йил 25 апрелда тақдимнома киритди. Мазкур тақдимнома натижасига кўра, “Тадбиркорбанк”нинг Оққўрғон туман бўлими бошқарувчиси Б. Очилов жарима ва бош муҳосиб А.Юсупов интизомий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик фаолияти ривожига тўсиқ бўлаётган иккинчи бир муаммо — бу маҳаллий давлат идоралари томонидан тадбиркорларнинг маблағларини турли хил жамғарма ва тадбирларга мажбурий равишда жалб қилишдир. Бу ҳолни Тошкент вилоятида ўтказилган сўровда иштирок этган тадбиркорлар ҳам таъкидлашган. Жумладан, уларнинг 1393 нафари (27,2 фоиз) пул маблағлари юқорида қайд этилган тадбирларга ўзларининг розилигисиз ишлатилганлигини маълум қилишган.

Энди бевосита мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил ноябр ойида ўтказилган ўрганишда Янгийўл шаҳар ҳокимлигининг 2001 йил 10 январдаги Ф-2-сонли фармойиши билан туман “Хайрия” жамғармасига 8 та хўжалик юритувчи субъектлардан маблағ ўтказиш юклатилган. Бу фармойишнинг 1-иловасига асосан “Лорена” қўшма корхонасидан 250 минг сўм, тумандаги 3 та тижорат банкларидан 1 млн. сўм, 2 та акциядорлик жамиятлари ва 1 та агрофирмадан 1 млн. сўм ўтказиб бериш белгиланган.

Иккинчи бир ҳол — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш амалдаги қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган бўлса-да, бироқ назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан тадбиркорлик субъекти фаолияти ноқонуний равишда текшириш ҳоллари учраб турибди. Жумладан, сўровда иштирок этган тадбиркорлар бундай ноқонуний текширишларнинг 739 таси солиқ, 395 таси давлат санитария эпидемиология, 276 таси ёнғинга қарши кураш, 146 таси ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва 132 таси бошқа идоралар томонидан ўтказилганлиги билдирилган.

Шу билан бирга қонунда текширишлар бир йилда бир марта ўтказилиши белгиланган. Аммо бу тартибга риоя қилмаслик ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 1055 нафари бир йилда 2 марта, 588 нафари 3-5 марта, 197 нафари 6-10 марта, 156 нафари 10 мартадан кўп текширилган. Шунингдек, аксарият ҳолларда текширувчилар текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тадбиркорга танишиш учун тақдим этмаган.

Бундан ташқари, назорат қилувчи идора ходимларига **“Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”** тўлдириш учун тақдим этилганда, 1099 та ҳолатда улар текшириш ўтказишмай қайтиб кетишган.

Бироқ айрим ҳолларда назорат идоралари томонидан “Текширишларни рўйхатга олиш Китоби” тўлдирилмаган ҳолда текширишлар амалга оширилганлиги аниқланган. Мисол учун айтсак, Тошкент тумани ДСИ ходимлари Д.Расулов ва Х.Аҳмедов инспекция бошлиғининг буйруғига асосан хизмат сафарига юборилиб, якка тартибдаги тадбиркор С.Муҳамедовнинг фаолиятини текширишган. Туман ДСИ ходими Н.Арслонбеков гарчи ваколати бўлмаса-да, текширувда иштирок этган.

Энг ачинарлиси, Тошкент тумани ДСИ ходимлари томонидан **“Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонуннинг 40-моддаси талаблари бузилиб, “Текширишларни рўйхатга олиш Китоби” тўлдирилмаган, инспекция буйруғи билан тадбиркор таништирилмаган. Вилоят адлия бошқармаси бу ҳолат юзасидан Зангиота туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига С. Муҳамедовнинг манфаатларини кўзлаб, ДСИ ходимлари Н. Арслонбеков, Д. Расулов ва Х. Аҳмедовдан етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси киритди. Табиийки, суднинг қарори билан тадбиркорга етказилган 30.000 сўм маънавий зарарни ундириш белгиланди.

Албатта, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари уларни ҳимоя қилиши лозим бўлган назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан бузилаётганлиги, айниқса, ачинарли ҳолдир. Масалан, вилоятда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан 972 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилмаган бўлсада, тадбиркорлар фаолияти текширилган. Бунинг устига, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 786 нафари тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мансабдор шахслари томонидан хизмат хоналарига чақирилган.

Шунингдек, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг кўпчилиги банкдаги ўз маблағларидан эркин фойдаланмаётгани, баъзи бирлари эса шартномага асосан топширган маҳсулот (хизмат)лари учун пулни ўз вақтида ололмаётганини билдирган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил ноябрь ойида ўтказилган ўрганишда Ўртачирчиқ туманидаги “Тўйтепадон” МЧЖнинг 2001 йил 26 декабр ҳолатига тузилган шартномага зид равишда топширилган дон маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб амалга оширилмаганлиги оқибатида “Само” фермер хўжалигига 60 000 сўм, “Абдухолиқ ота” фермер хўжалигига 235 000 сўм, Жуманов номидаги фермер хўжалигига 44 500 сўм маблағ ўз вақтида тўланмаганлиги аниқланган.

Мазкур сўровнома натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, айрим мансабдор шахслар ислоҳотлар аҳамиятини ҳали тўлиқ тушуниб етгани йўқ. Тадбиркорлик фаолиятига сунъий тўсиқ қўйишга уринишлар тез-тез учраб турибди. Шу билан бирга ушбу сўровнома моҳиятини ҳам айримлар нотўғри ва чалкаш тасаввур этишаётгани аён бўлди. Шу сабабли таъкидлаш жоизки, сўровнома ўтказишдан мақсад бировни қоралаш, унинг айбини фош этишдан иборат эмас. Сўровнома натижалари умумий аҳволнинг қандайлигидан маълумот бериши баробарида ислоҳотлар ривожига ҳисса қўшади. Зеро, улар хулоса чиқариш, тегишли чора-тадбирлар белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

А. АБРАЕВ,
Адлия вазирлигининг катта маслаҳатчиси

ҚОНУН ЁРДАМ БЕРДИ

Сайдулло Қирғизов 1999 йилнинг 12 майигача Чортоқ қурилиш-таъмирлаш корхонасида туппа-тузук ишлаб турган эди. Шундан кейин эса унинг тинчи бузилди. Бунга Наманган вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 12 май 1999 йилдаги 119/113 сонли буйруғига асосан Чортоқ тумани ҳокимининг 1999 йил 23 июндаги 385-сонли қарорига мувофиқ корхонанинг хусусийлаштирилганлиги ва "Элдор" масъулияти чекланган жамиятга айлантирилгани сабаб бўлди. Шундан буён ўтган салкам уч йилча вақт ичида “Элдор” масъулияти чекланган жамият раиси Сайдулло Қирғизов кўпдан-кўп идораларга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бироқ барча саъй-ҳаракатлар, оғзаки ва ёзма хатлар бесамар кетди. У шикоят ёзишдан чарчамади, ёзилган хатлар эса худди сувга чўккан тошдек изсиз йўқолишда давом этди.

Хўш, "Элдор" масъулияти чекланган жамияти раиси Сайдулло Қирғизовга нима етмайди, ўзи? Нега пайдар-пай хат ёзишни ўзига одат қилиб олди, деб сўрашингиз табиий.

“Элдор” масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг тинка-мадорини қуритган ғалвага сабаб бўлган нарса Чортоқ шаҳар ҳокимлиги қошидаги уй-жой қуриш ва томорқа учун ер майдонлари ажратиш комиссиясининг 1999 йил 23 август кунидаги 4-сонли қароридир. Мазкур қарорнинг 3-бандида шундай жумлалар бор: “Шаҳар ҳудудидаги «Элдор» масъулияти чекланган жамияти фойдаланишида бўлган 0,28 га ер майдони рўйхатга асосан тақсимлаб берилсин". Қарорнинг илова варағида эса қуйидаги шахсларнинг номлари тиркаб қўйилган: Жўрахонов Аълохон, Жўрахонов Носиржон, Бурҳонов Рустам, Бурҳонов Ҳусниддин ва Отажонов Ҳабибулло. Иловани шаҳар ИХС бўлими бошлиғи Ш. Кашапов ўз имзоси билан тасдиқлаган эди.

Хўп, гап нима ҳақида кетаяпти, дейсизми? Гап шундаки, "Элдор" масъулияти чекланган жамият раиси Сайдулло Қирғизовнинг қўлида ер муносабатлари ва кўчмас мулк давлат кадастри томонидан 1997 йил 29 сентябр куни берилган далолатнома бор эди. Унга кўра, Чортоқ туман хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш участкасига 2690 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланишга ажратилган эди. Қолаверса, С. Қирғизовнинг қўлида 1999 йил 18 май куни тузилган 16-сонли 3 томонлама имзоланган шартномаси ҳам бор эди. Шартномага кўра, мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 6684 сонли давлат ордери берилган эди. У бу ҳақда туман ер ресурслари хизмати бошлиғи А. Дадахўжаевга учрайди. Шу ўринда Сайдулло Қирғизовнинг Наманган вилоят Адлия бошқармасига ёзган шикоят хатидан парча келтирсак: "1999 йилнинг август ойида туман ер ресурслари бўлими бошлиғи А. Дадахўжаев ҳузурига чақириб, корхонамиз ер майдонини уй қуриш учун тақсимлаб берилишини айтди. Бу туман ҳокимининг топшириғи эканлигини таъкидлади. Мен ерни тақсимлаб бериш мумкин эмаслигини, яқинда хусусий қилиб бир қисм пулини тўлаганлигимни айтдим. Бунга жавобан А. Дадахўжаев "Мен бор-йўғи буйруқ бажарадиган одамман. Корхонанг шаҳар ҳудудига қарайди. Бу иш билан шаҳар ҳокими А. Насриддинов шуғулланади. Бор, унга учраш", деб хонасидан чиқариб юборди.

Шундан сўнг Сайдулло Қирғизов туман ҳокими Б. Ҳайдаров қабулида бўлди. Афсуски, иш унинг зарарига якун топди. Бу орада Чортоқ шаҳар ҳокимининг 1999 йил 16 сентябр кунидаги 25-сонли қарори кучга кирди. Ўша қарорнинг 5-бандида шундай сўзлар ёзилган эди: ***“Чортоқ шаҳар ҳудудидаги “Элдор” масъулияти чекланган жамият фойдаланишида бўлган ер майдонидан ер участкасига ўта муҳтож, шаҳар ҳокимлигига ариза берган 5 нафар фуқарога иловага асосан тақсимлаб берилсин!”***

Шу тариқа "Элдор" масъулияти чекланган жамият раиси Сайдулло Қирғизов аро йўлда қолди. У 1999 йилнинг 12 октябр куни 6-сонли хат билан туман ҳокимлигига ёзма мурожаат этди. Унда “Чортоқ шаҳар ҳокимининг 1999 йил 16 сентябридаги қарорига асосан уй қуриш учун берилган ердан қолган 019 га ер майдонини “Элдор” масъулияти чекланган жамиятга доимий фойдаланиш учун расмийлаштириб беришингизни сўрайман", дейилади. Орадан беш кун ўтиб, “Элдор” масъулияти чекланган жамият раиси туман ҳокимига 7-сонли хатини ёзади. Хатда “жамиятга маъмурий бино қуриш учун ҳамда доимий фойдаланиш учун 020 га ер майдони ажратилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман" дейилади.

“Элдор” масъулияти чекланган жамият раиси хат ёзишда давом этади. 2001 йилнинг 12 июн кунидаги 16-сонли хатида шундай жумлани ўқиймиз: ***“Ҳозирги вақтда ер олган фуқаролар жамиятга тегишли бино ва ишлаб чиқариш цеҳларини бузиб олиб ерни бўшатишни талаб қилмоқда. Бундан ташқари, жамиятга идоранинг техника ва қурилиш материаллари сақлайдиган омбори, дурадгорлик цехи кўчириб келтириш мақсадида лизинг шаклида дастгоҳлар олинмоқда. Қурилиш учун Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан 030 га ер майдони ажратишга амалий ёрдам беришингизни сўрайман”.***

Мазкур хатни ўрганиб чиқиш туман ер ресурслари хизмати бошлиғи А. Дадахўжаевга юклатилади. А. Дадахўжаев Чортоқ туман ҳокимининг ўринбосари И. Муродовга ва “Элдор" масъулияти чекланган жамият раиси С. Қирғизовга 5-қисмдан иборат жавоб хати ёзади. Афсуски, узундан узоқ ёзилган жавоб хатида "Элдор" масъулияти чекланган жамият фойдасига жўяли сўз йўқ эди.

2001 йилнинг 3 декабр кунида “Элдор" масъулияти чекланган жамият раиси Сайдулло Қирғизов 25-сонли хат билан Чортоқ туман ҳокими М. Ҳасановга яна мурожаат этади. Бундан ҳам бирон-бир фойдали натижа чиқмагач, Сайдулло Қирғизов вилоят Адлия бошқармасига 2002 йилнинг 11 февралида ёзма равишда мурожаат этди. Вилоят Адлия бошқармасининг масъул ходими Муҳаммаджон Абдуллаев мазкур шикоят хатини атрофлича ўрганиб чиқди ва Янгиқўрғон туманлараро фуқаролик судига даъво аризасини киритди.

“Давлат ордерига асосан “Элдор” масъулияти чекланган жамиятга собиқ Чортоқ қурилиш-таъмирлаш корхонасининг 318616 сўмлик мулкларига, яъни корхона биноси, дурадгорлик цехи, тегирмон, қурилиш материаллари сақлаш омбори ва бошқа ёрдамчи бинолари ҳамда асосий воситаларга мулкка эгалик ҳуқуқи берилган, — дейилади даъво аризасида,— Чортоқ қурилиш-таъмирлаш корхонаси хусусийлаштирилаётган вақтда халқ депутатлари Чортоқ шаҳар совети ижроия Комитетининг 30.01.1992 йилдаги 25-/2 сонли қарорига ер муносабатлари ва кўчмас мулк давлат кадастри томонидан тузилган 28.09.1997 йилдаги ерни рўйхатдан ўтказиш далолатномасига асосан Чортоқ қурилиш-таъмирлаш корхонасининг доимий фойдаланишида 2690 квадрат метр ер майдони бўлган. Ер кодексининг 22 моддасига асосан Чортоқ қурилиш-таъмирлаш корхонасининг доимий фойдаланишида бўлган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи “Элдор” масъулияти чекланган жамиятга ўтиши ва туман ер кадастри томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида давлат ҳужжати берилиши лозим эди”.

Лекин Чортоқ туман ер ресурслари хизмати бошлиғи А. Дадахўжаев ва Чортоқ шаҳар ҳокими А. Насриддинов “Элдор” масъулияти чекланган жамиятнинг ердан доимий фойдаланишга бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказмай, ерларни фуқароларга тақсимлаб беришган. Улар бу билан Ер Кодексининг 22-41-моддалари ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддаси,

Bugunning gapi

Фуқаролик Кодексининг 482-моддаси талабларини қўпол равишда бузишган. Натижада “Элдор” масъулияти чекланган жамият раиси С. Қирғизов ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрган.

Яқинда мазкур даъво аризаси бўйича Янгиқўрғон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида кўрилди. Суд мажлисида иштирок этган барча кишиларнинг фикр-мулоҳазалари ва тўпланган ҳужжатлар батафсил ўрганиб чиқилди. Суд Наманган вилоят Адлия бошқармасининг даъвогар “Элдор” масъулияти чекланган жамият раиси С. Қирғизовнинг манфаатларини кўзлаб келтирган даъво аризасини қисман қаноатлантирди. Чортоқ шаҳар ҳокимининг 1999 йил 16 сентябрдаги 25-сонли қарорини қисман бекор қилди. Шунингдек, Чортоқ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмаджон Насриддинов ва Чортоқ туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Анваржон Дадахўжаевлардан шериклик тартибида даъвогар Сайдулло Қирғизов фойдасига 50 минг сўм маънавий зарар ундириладиган бўлди. Бундан ташқари, Чортоқ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Насриддинов билан туман ер ресурслари бошлиғи А. Дадахўжаевлар биргаликда давлат фойдасига 2500 сўм давлат божи тўлашади.

— Бу иш адолатли ҳал этилди, дейишга ҳали эрта, — дейди вилоят Адлия бошқармасининг ходими Муҳаммаджон Абдуллаев. — Бу ҳақда ҳозирча аниқ бир фикрни айтиш қийин. Афтидан, бу жанжалли масала узоқ давом этадиган кўринади. Чунки суд даъвогарнинг даъво аризасини тўлиқ ҳал этганича йўқ.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти сари дадил одимлар ташламоқда. Жойларда ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқини таниб, ҳаётдан ўз улушини ажратиб олаётган кишилар сони ортиб бораяпти. Бу — албатта, қувонарли ҳол. Зеро, ҳақиқат курашларда туғилади, деб бежиз айтилмаган. Баён этилган воқеанинг аҳамияти ҳам аслида шундан иборат.

Маъмур МУСУЛМОН,
“Инсон ва қонун” мухбири

Sharh

ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

Ҳаётда онда-сонда бўлса-да, зўравонлик усулини ишлатиб ёки очиқдан-очиқ ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари учраб туради. Моддий томондан яхши таъминланган фуқароларнинг хонадонларига уюштирилган босқинчиликлар жиноятчилик оламида алоҳида ўрин эгаллаётир. Босқинчиларни кўпроқ ўзгаларнинг мулки бўлган пул ва қимматбаҳо буюмлар қизиқтиради. Улар ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай ёвузликдан қайтмаётгани кузатилмоқда. Яна бир хавфли жиҳати шундаки, бундай жиноятлар жамоат жойларда ҳам содир этилаяпти. Хусусан, зўрлик билан очиқдан-очиқ аёлларнинг тилла зирак ва занжирларини юлиб кетиш ҳоллари учраётгани ҳеч кимга сир эмас.

Зўравонлик йўли билан босқинчилик жиноятининг содир бўлишига жабрланувчи шахснинг тасодифий енгилтаклик билан танишуви, яхши билмайдиган кишисига ортиқча ишониб юбориши, кўча-кўйда кўзни қамаштирадиган тилла буюмларни тақиб юриш кабилар сабаб бўлиши мумкин. Ҳуқуқшунос олим Ю. Каракетовнинг таъкидлашича, бу тоифадаги жабрланувчиларнинг 6 фоизини қарилар, 14 фоизини вояга етмаганлар, 3 фоизини бошқа шаҳардан келганлар, 90 фоизини жиноятчи билан илгари таниш бўлмаган, 32 фоизини маст ҳолда бўлган, 8 фоизини енгил табиатли аёллар билан тасодифий танишувни истаганлар ташкил этар экан.

Лекин ажабланарли томони шундаки, 70 фоиз жиноятчилар жабрланувчиларнинг ўзлари жиноят содир этишга шароит яратишини таъкидлашган. Кўпчилик бу каби фикрларни ҳаққоний эмас деб билади. Шундай бўлса-да, жабрланувчиларнинг кўпчилиги маст ҳолда бўлишгани ва зебу зийнатларини кўз-кўз қилишганини эътироф этишади.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, одатда босқинчилар тажовузидан эркакларга нисбатан аёллар осонроқ қутулишар экан. Бундай ҳолатларда улар қичқириб шовқин солишади ёки осонгина зебу зийнатларини ечиб беришади.

Агар жиноятчи пичоқ билан қуролланган бўлса, бу вазиятда жиноятчи билан муроса йўлини ахтариш энг маъқул усул экан. Энг кўп самара берадиган тадбир эса, жиноятчини юқумли касалга чалинганини айтиб огоҳлантириш ҳисобланади.

Мазкур тадбирлар қўл келмаса, жиноятчининг айтганини бажарган маъқул. Бундан фақат унинг ташқи кўринишини яхшилаб эслаб қолиш ва тезда милицияга хабар бериш лозим. Қоронғу жойларда ёлғиз юрмаслик ва бегона одамлар билан узоқ жойларга йўл олмаслик ҳам босқинчилик жиноятлари содир бўлишининг олдини олади. Кечаси кўчадан уйга киришда калитни олдинроқ тайёрлаб қўйиш, эшик олдида узоқ ушланиб қолмаслик, уйга бегона одамни таклиф қилмаслик шундай тадбирлар сирасига киради.

Таҳлил натижаларида маълум бўлишича, босқинчилик жиноятини содир этувчилар киракашлик билан шуғулланувчи шахсларнинг енгил автомашинасини қўлга киритиб, уни бўлакларга ажратиб, пуллаб юборишади. Бу тоифадаги жиноятчилар ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш баробарида шахснинг ҳаётига ҳам жиддий хавф туғдириши қайд этилган. Шу боис қонунчиликда бундай жиноятчилар учун жиноий жавобгарлик масаласи белгиланган.

Босқинчилик талон-тарожнинг анча хавфли шаклидир. У жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига зўравонлик йўли билан таҳдид солиб, унинг мулкини талон-тарож қилишни ифода этади. Босқинчиликнинг хавфлилиги мулкка нисбатан тажовуз усули билангина чекланиб қолмай, балки шахснинг ҳаётига ҳам зўрлик ишлатиш ёки зўравонлик йўли билан қўрқитиб, ҳужум қилишда ҳам акс этган.

Ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда соғлиққа жиддий шикаст етказмаган бўлса-да, оқибати ўлим билан тугаши мумкин бўлган ҳолат тушунилади. Масалан, жабрланувчини бўғиш шундай ҳолат ҳисобланади.

Соғлиқ учун хавфли бўлган зўравонлик қилиш эса жабрланувчининг баданига унга оғир бўлмаган ёхуд енгил шикаст етказиш орқали соғлиғининг қисқа муддатли бузилиши ёки арзимас даражада доимий меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келувчи шикаст етказишдан иборат. Агар зўравонлик билан жабрланувчига оғир шикаст етказилса, у ҳолда жиноят оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган деб таснифланади.

Илмий адабиётларда руҳий зўравонликка ҳам алоҳида эътибор берилади. Бироқ руҳий зўравонлик қилмиши босқинчилик сифатида таснифланганда айбдорни ҳар қандай зўравонлик усули билан қўрқитишни эмас, балки ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатилганини аниқлаш зарур.

Шунингдек, руҳий зўравонлик жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун аниқ хавфни вужудга келтирса, бу ҳолда қилмиш ҳатто ноаниқ хусусиятга эга бўлганда ҳам босқинчилик сифатида малакаланади.

Босқинчилик жиноятини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, хавфли рецидивист ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилганда бундай хатти-ҳаракатлар оғирлаштирувчи ҳолатни вужудга келтирган деб ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, босқинчининг қўлига тушиб қолмаслик ҳар кимнинг қўлидан келади. Атрофдагиларга бироз ҳушёр нигоҳ билан боқиш босқинчилик ҳолатига дуч келмасликнинг энг ишончли кафолатидир.

Саломат НИЁЗОВА

Huquqiy savodxonlik sari

ФАРЗАНДДАН БЎЙИН ТОВЛАШ — ЖИНОЯТ!

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли мамлакатимизда Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний ва маънан баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга истиқболини белгиловчи устувор йўналишлардан бири сифатида қаралиб, беқиёс эзгу ишлар амалга оширилаётганигаҳар биримиз гувоҳмиз.

Энг асосийси, бош қомусимизда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиниши кафолатланган.

Аммо ҳаёт азалдан мураккаб яралган. Баъзан шундай воқеаҳодисаларга дуч келасанки, азбаройи ҳайратга тушгандан нима қилишни билмай қоласан киши. Хусусан, ҳаётда ўз пушти камаридан дунёга келган зурриёдидан бўйин товлайдиган, уни кўчага ташлаб қўядиган оталар ҳам учраб туради.

Бу мавзу ҳақида фикр юритганда, аввало шундай савол туғилади: хўш, оталик ҳолати қандай белгиланади?

Шуни айтиш керакки, Оила Кодексида оталик ҳолатини белгилашнинг қонун-қоидалари ўз ифодасини топган. Аммо ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмагани каби амалдаги қонунлар ўзининг самарали ижроси йўлида маълум бир ўзгаришлар бўлиб туриш, муайян тушунтиришлар берилишини тоқазо этади.

Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги **"Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг тадбиқ этилиши тўғрисида"**ги Қарорида белгилаб берилган тушунтиришлар муҳим аҳамиятга эга. Аниқроқ айтганда, илгари оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво аризалар оталиги белгиланаётган шахснинг туғилганлиги давлат идорасида рўйхатга олинганлигидан қатъи назар суд иш юритувчига олинар эди. Ҳозирда эса Пленум қарорининг 2-бандига кўра, никоҳда бўлмаган онадан бола туғилганда, боланинг туғилганлиги ФҲДЁ идораларида қайд этилиб, тақдим қилинган туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада боланинг отаси ҳақидаги ёзув Оила Кодексининг 207-моддаси 3-қисми талабига мувофиқ онанинг кўрсатмаси асосида ёзилган тақдирдагина оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво аризалари иш юритувчига қабул қилиниши мумкин.

Агар туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг отаси тариқасида аниқ бир шахс кўрсатилган бўлса, судлар оталикни белгилаш ҳақидаги аризани ўз иш юритувчига қабул қилмасликлари лозим. Чунки ФҲДЁ идоралари томонидан оталик тўғрисида киритилган маълумот (ёзув) боланинг унда кўрсатилган шахсдан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади.

Пленум қарорининг 5-банди судлар олдига оталикни белгилаш ҳақидаги даъво аризани қабул қилишда боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ФҲДЁнинг ёзуви ва гувоҳномани талаб қилиб олиш; оталикни судсиз эътироф этиш имкониятларини аниқлаш мақсадида даъвогар билан суҳбат ўтказиш; Оила Кодексининг 62-моддасида назарда тутилган ҳолатларни тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиш ҳаракатларини бажариш мажбуриятини юклайди.

Қарорнинг 10-банди инсонийлик тамойилларига тўла асосланган ҳолда қабул қилинган. Зеро, фуқаролик процессуал Кодекснинг 10-моддаси талабига мувофиқ оталикни белгилаш ҳақидаги даъволар бўйича ишлар суднинг ёпиқ мажлисида қурилиши шарт қилиб белгиланган. Шунингдек, оталикни белгилаш ҳақидаги ишлар юзасидан келишув битимини тасдиқлашлари мумкин эмас, чунки оталикни белгилашнинг шартлари ва тартиблари қонунда белгиланган.

Олий суд Пленуми қарорининг 11-12 бандларида оталикни тан олиш далиллари баён этилган. Суд оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг келиб чиқишини аниқлаши, бунда жавобгар боланинг онаси билан биргаликда тарбияланганлиги, моддий жиҳатдан таъминлаганлиги ёхуд жавобгар ўз оталигини тан олганлигини ёки ҳақиқатдан ҳам оталигини тасдиқловчи аниқ ва ишончли бошқа далиллар мавжудлигига эътибор бериши лозим.

Оталикни тан олиш далиллари сирасига жавобгарнинг мактублари, суратлари, анкеталари, аризалари ва ишончли равишда тасдиқловчи бошқа далилий маълумотлар киради.

Суд тақдим этилган далиллар мажмуи жавобгарнинг оталигини белгилаш учун етарли эмас, деган хулосага келса, ҳақиқатни аниқлаш ва хатоликка йўл қўймаслик мақсадида ўз ташаббуси билан суд томонларнинг талаби асосида тегишли суд тиббиёт экспертизаси тайинлашга ҳақли. Одам ДНКси бўйича суд биологик экспертиза далиллари керагидан ҳам ортиқ бўлса-да, жавобгарнинг суд тиббиёт ёки одам ДНКси суд биологик экспертизаларни ўтказиш ҳақидаги илтимосномасини рад этиши мумкин эмас.

Юқорида қайд этиб ўтилган тадбирлар қасддан фарзандидан бўйин товлаш ҳолатларининг олдин олишда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар замонавий илм-фан ютуқларига асосланган. Шундай бўлсада, баъзида оталикни белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорларида ФҲДЁ бўлими ходимлари учун зарур маълумотлар тўлиқ аксини топаяпти, дейиш қийин. Шуни ҳисобга олиб, Пленум қарорининг 17-бандида даъво қаноатлантирилганда суднинг ҳал қилув қарори хулоса қисмида оталикни белгилаш ҳақидаги ҳолати ФҲДЁ бўлимларида қайд этиш учун зарур бўлган маълумотлар (ота-онанинг фамилияси, исм-шарифи, уларнинг туғилган йили, ойи, куни ва жойи, миллати, доимий яшаш ва ишлаш мазили, отаси кимлиги аниқланаётган боланинг фамилияси, исми, туғилиш санаси ва жойи) кўрсатилиши лозимлиги таъкидланган.

Кўриниб турибдики, Олий суди Пленумининг мазкур қарори юртимизда келажак авлод ҳуқуқларининг рўёбга чиқишида қонуний асос бўлиб хизмат қилади. У инсонпарварлик тамойилларига тўла мослиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг бари мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига қонуний кафолат яратилганидан далолатдир.

Д. ҚУРБОНОВА,
ҳуқуқшунос

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

БЕЗОРИЛИКНИНГ ЖАЗОСИ

Эътибор берадиган бўлсак, кўча-кўйлар, жамоат жойлар, тўйлар ва тантанали маросимларда баъзан уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш каби жамоат тартиби ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи ҳолатлар учраб туради. Албатта, бундай майда безорилик аломатларини содир қилган шахслар жазосиз қолмаслиги аён. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 183-моддасига кўра, бундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни энг кам иш ҳақининг 3 баробаридан 5 баробаригача миқдорда жаримага тортиш ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш мумкин.

Агар безорилик, яъни жамоат тартибини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил зиён етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир қилинса, бу Жиноят Кодексининг 277-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради ва энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ билан жазоланишга сабаб бўлади.

Безориликнинг тури кўп. Шунингдек, унга нисбатан жазо чоралари ҳам ошиб бораверади...

Агар безорилик, а) баданга ўртача оғир шикаст етказиб; б) бир гуруҳ шахслар томонидан; в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб; г) ўз мазмунига кўра, умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан; д) ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб; е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкини нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилса, 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Мабодо безорилик: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб; в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда; г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилса, 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Халқ осойишталигини бузиб, уларга нотинчлик етказгандан кўра, тинчфаровон ҳаётимизнинг ҳар бир қадрли лаҳзасидан баҳраманд бўлиб, осойишта ҳаёт кечирган яхши эмасми?!



Тоғлар вақори

Оталар дейдики...

Маломат кийимини кийишдан кўра, саломатлик либосини кийиш яхшироқдир.

* * *

Ота-онага муҳаббат — барча инсоний фазилатлар асосидир.

* * *

Инсон учун биринчи бахт — унинг соғлиғи, иккинчиси — гўзалликдир.

Savol va saboq

"ҚОНУН КИМНИ ҚЎЛЛАЙДИ?"

ФЕЛЬЕТОН

Ҳаётда мантиқ қоидаларига тўғри келмайдигай саволларни ҳам тез-тез эшитиб турамиз. Сарлавҳадаги савол ҳам шундай "ғалати" туюлади. Айниқса, биринчи эшитган одамга. Тўғриси, дабдурустдан сўрасангиз, бу савол анча-мунча одамни шошириб қўяр экан. Аввалига таҳририят номига келган шикоят мактубидаги мазкур савол ўзимни ҳам ўйлантириб қўйди. Кейин ишонадигларга шу саволни бериб кўрдим. Ҳар ким ҳар хил жавоб берди. Узоқ тортишувимизга камгапгина бир ҳамкасбимиз якун ясади:

— Эй, биродарлар, қанақа одамсизлар ўзи. Қонун ҳеч қачон, ҳеч бир даврда, ҳеч бир тузумда бировнинг қўлида бўлмаган. Айниқса, бугун — бизнинг давримизда. Ҳуқуқий демократик давлатнинг бош мезони нима? Шубҳасиз қонун устуворлиги. Қонун бировга эмас, биз — ҳаммамиз қонунга бўйсунамиз. Сиз айтган прокурор ҳам, суд ҳам, милиция ходимлари ҳам қонунга бўйсунади. Қонун асосида ишлайди. Қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Наҳотки, шу оддийгина савол устида баҳс қилиб ўтирган бўлсангизлар?

Камгап ҳамкасбимиз шиддат билан бошлаган нутқини шиддат билан тугатди. Нима ҳам дердик. У ҳақ. Албатта, қонун бировга эмас, биз қонунга бўйсунамиз. Бу ҳақда ҳар куни гапирамиз, ёзамиз. Лекин айтаётган ва ёзаётган сўзларимизга қай даражада амал қилишимиз — бу энди иккинчи масала.

Хўп, энди бизни ўйлантириб қўйган ва баҳсимизга сабаб бўлган шикоят хатига эътибор қаратайлик. Уни бизга Сурхондарё вилояти, Ангор тумани, "Навбаҳор" кўчаси, 23-хонадонда яшовчи 1-гуруҳ ногирони Тўлабой Бозоров йўллаган. Келтирайлик:

"1999 йилнинг 17 июл куни ўзимга қарашли давлат рақами Е 62-96 СД бўлган "Жигули" русумли "ВАЗ-2106" автомашинада иккинчи даражали йўлдан асосий йўлга чиқиб, ўз йўналишимда ҳаракатланаётган пайтимда бошқа бир автомашина мен бошқараётган машинанинг орқасидан келиб тўқнашди. Натижада автоҳалокат содир бўлди. Орқа томондан келиб урган машинанинг тезлиги катта бўлганлиги сабабли менинг машинам йўлдан чиқиб кетиб, дарахтга урилиши натижасида ёниб кетган. Автоҳалокатга сабаб бўлган машинадагилар қочиб кетган. Мени ёнаётган машинадан ҳушсиз ҳолимда Ҳасан бобо Қобилов чиқариб олиб, шифохонага олиб борган. Шифохонада ўн икки кун ётиб чиқдим.

Кейин маълум бўлишича, машинамнинг орқасидан келиб уриб, автоҳалокат содир бўлишига сабаб бўлган машинанинг русуми "ВАЗ-2101" "Жигули" бўлиб, унинг давлат рақами "19 В 40-32" экан. Авария содир этилган пайтда машина ичида туман ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлими ходимлари Жума Турдимуродов, Норқобил Хонназаров, норколог-шифокор Холназар Холмонов ҳамда оддий фуқаро Худоймурод Эргашевлар бўлган экан. Қонунни тушунадиган, ўзлари туманда қонун устуворлигини амалга ошириш учун хизмат қилишлари керак бўлган шахсларнинг бу қилмишларини қандай тушуниш мумкин?.."

Бу — шикоят хати муаллифининг биринчи саволи. Дарҳақиқат, ўзлари ички ишлар ходими бўла туриб, автоҳалокат содир этилган жойдан қочиб кетиши айбни оғирлаштирувчи ҳолатга айланишини наҳотки тушунмаган бўлишса? Агар йўловчи Ҳасан бобо Қобилов тасодифан йўлдан ўтиб қолиб, жабрланувчини йўловчи машинада шифохонага олиб бормаганида, улар бир кишининг умрига зомин бўлишлари ҳам мумкин эди-ку?! Тўғри, автоҳалокатни ҳеч ким ўйлаб ёки атай содир этмайди. У ҳамиша кутилмаганда ва аксарият ҳолларда кимнингдир эҳтиётсизлиги туфайли рўй беради. Демак, ўша эҳтиётсизлик қилган ҳайдовчи қонун олдида жавоб бериши, жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлаши шарт. Агар у автоҳалокат содир этилган жойдан қочиб кетса, ҳуқуқшунослар буни айбни оғирлаштирувчи ҳолат, деб белгилайдилар. Ва қонунбузар шунга яраша жазо олади.

Афсуски, Ангорда бунинг тескариси юз берди. Жабрланувчи Тўлабой Бозоров ҳам соғлигини йўқотади, ҳам машинасидан ажралиб қолди. Шундан сўнг жабрланувчининг роппа-роса уч йилга чўзилган югур-югурлари бошланган. Боя айтганимиздек, Т. Бозоров ҳам соғлигини, ҳам машинасини йўқотган. Буниси ҳали ҳолва экан. Энг ёмони у автоҳалокатда айбдор деб топилган. Ишонмаяпсизми? Марҳамат, унда расмий ҳужжат билан танишинг. Сурхондарё вилоятининг собиқ прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Ш. Шукуров жабрланувчининг хотини Санам Исломованинг ҳақиқат излаб ёзган аризасига ўзининг 1999 йил 19 август куни йўллаган 16/ 342а-99 рақамли хатида қуйидагича жавоб йўллайди:

"...Аниқланишича, 1999 йил 17 июл куни турмуш ўртоғингиз Т. Бозоров Ангор тумани марказий йўлига иккинчи даражали йўлдан ўз бошқарувидаги "ВАЗ 2106" русумли Е 62-96 СД давлат рақамли автомашинаси билан чиқиши оқибатида асосий йўлдан ҳаракатланиб келаётган Х.Эргашев бошқарувидаги "ВАЗ 2101" русумли "19 В 40-32" давлат рақамли автомашина орқасидан урилиши натижасида йўлдан чиқиб кетиб, дарахтга урилиб, автомашинаси ёниб кетган. Турмуш ўртоғингиз Т.Бозоровга ёрдам кўрсатилиб, туман марказий касалхонасига олиб борилган.

Тергов органи томонидан ўтказилган суд автотехника экспертизасининг 1999 йил 31 августдаги хулосасига кўра, "ВАЗ 2101" русумли "19 В 40-32" давлат рақамли автомашина ҳайдовчиси Х. Эргашев техник жиҳатдан йўл ҳодисасининг олдини олиш имкониятя йўқлиги, турмуш ўртоғингиз бошқариб келаётган машина тезлиги соатига 55 километр экани хулосада кўрсатилган.

У. Эргашев автомашина бошқариб келаётган вақтда спиртли ичимлик истеъмол қилмагани ҳақида 718-сонли мутахассислар хулосаси материалда мавжуд.

Биз томондан мазкур йўл ҳодисасида Х. Эргашевни айбдор деб топиш учун асос топилмади."

Ана холос, қаранг, гап қаерда экан? Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши мумкин эмасми? Мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда.)

Одатда оғзаки нутқда "ёзилмаган қонун" деган иборани тез-тез ишлатиб турамиз. Кундалик ҳаётда эса бу иборага кимдир амал қилади, кимдир йўқ. Лекин Буюк Британия давлатида ёзилмаган конституция мавжудки, унга мазкур мамлакат аҳли қатъий амал қилади. Ўрни келганда, мазкур конституция ҳақида фикр юритадиган бўлсак, у ўз навбатида қуйидаги уч тоифага ажратилади: статут ҳуқуқи меъёрлари; прецедент ҳуқуқи меъёрлари; ўзида конституциявий одатларни акс эттирувчи меъёрлар.

Статут бу — акт (қонун) бўлиб, у белгиланган тартибда парламентнинг ҳар икки палатаси томонидан қабул қилинади ва давлат бошлиғи — монарх томонидан имзоланади. Шунинг учун статуслар билан ўрнатилган меъёрлар йиғиндиси статус ҳуқуқи деб аталади. Статус ҳуқуқида нафақат давлат ҳуқуқига оид, балки ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари — жиноят, фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ меъёрлари ҳам ўз аксини топади.

Буюк Британия давлатшунослари конституциявий аҳамиятга эга бўлган статусларга қуйидагиларни киритишади: 1215 йилда қабул қилинган "Эркинликлар буюк хартияси", 1679 йилда қабул қилинган «Habeas Corpus act», 1869 йилда қабул қилинган "Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль", 1911 йилда қабул қилингани "Парламент тўғрисида"ги қонун ва ҳоказо.

Бу ҳужжатлар ичида Англия буржуа-демократик ҳуқуқининг энг муҳим қисмига айланган қонун бу — 1679 йилда қабул қилинган «Habeas Corpus act» ҳисобланади. Унинг тўлиқ номи — "Фуқароларнинг эркинлигини яхши таъминлаш ва денгиз ортида (Англия ҳудудидан ташқарида) ҳибсга олишнинг олдини олиш тўғрисидаги акт"дир.

HABEAS CORPUS ACT

Jahon tajribasi

Мазкур қонунда судьялар ўзи ёки бошқа шахснинг ҳибсга олинганини ноқонуний деб ҳисобланган шахснинг шикояти бўйича ҳибсга олишнинг қонунийлигини текшириш учун ҳибсга олинган шахсни зудлик билан судга олиб келинишини талаб қилиши лозимлиги, ҳибсга олиш тўғрисидаги хулоса фақат ҳибсга олиш асослари кўрсатилган буйруқ асосида амалга оширилиши кераклиги белгилаб қўйилди. Мазкур қонун қабул қилинишининг асосий сабаби шундаки, 1679 йили қирол Карл II эски парламентни тарқатиб юбориб, янги сайлов ўтказишни эълон қилади. Бу пайтга келиб эса икки — торлар ва виглар партияси тўла шаклланиб бўлган эди. Янги парламентда кўпчилик овозини олган виглар қатағонларнинг олдини олиш мақсадида (чунки улар қирол мухолифатида эди) йигирма бир моддадан иборат бўлган ушбу актни қабул қилади.

«Habeas Corpus» қоидаси XV асрдан бошлаб мунтазам равишда қўлланиб келинган. Дастлаб ундан хусусий шахслар, асосан феодаллар ва уларнинг қўл остидагилар томонидан бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш воситаси сифатида фойдаланилган. Кейинчалик Генрих VII даврidan бошлаб, қироллик томонидан шахсга тазйиқ ўтказилган пайтларда фойдаланилган. Бироқ ушбу акт қабул қилингунга қадар «Habeas Corpus» қарорини чиқариш ҳуқуқи ҳали мустақил бўлмаган судларга берилган эди. Кўпинча бундай қарор чиқариш муддати чўзиларди, бундан ташқари, суд қарорини бажармаслик ҳеч қандай жавобгарликка тортишга олиб келмас эди. Ҳуқуқий кафолатлардаги бундай камчилик, айниқса, Тюдор ва Стюартларнинг мутлақ бошқаруви даврида яққол кўзга ташланиб қолди. Айнан мазкур тамойилга амал қилмаслик 1627 йилда Дж. Гемпденнинг қамоққа олиниши умумпалата томонидан 1628 йилнинг 29 мартида резолюция қабул қилинишига олиб келди.

Резолюцияда, жумладан, шундай дейилади:

— ҳеч бир эркин шахс қамоққа олиниши, ушлаб турилиши ёки қонуний асосларсиз қирол буйруғи ва/ Яширин кенгаш қарори билан ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши ёки қамоқда сақлаб турилиши ёхуд бошқача тарзда эркинликлари чекланиши мумкин эмас;

— «Habeas Corpus» қарорини чиқариш ҳеч кимга рад этилмайди, ушбу қарор ҳеч қандай қонуний асосларсиз ҳибсга олинаётган ҳар бир шахснинг илтимосига кўра берилиши керак;

— агар эркин шахс томонидан «Habeas Corpus» қарори билан бирор шахсни қамоқ ёки ҳибсга олиш қонуний асосларсиз амалга оширилган деб топилса, бу ҳолда ушбу шахс учун чиқарилган «Habeas Corpus» қарори асосида ҳибсдаги шахс ўша заҳоти озод қилиниши ёки гаров асосида чиқариб юборилиши керак.

Ушбу резолюция 1628 йилдаги "Ҳуқуқ тўғрисидаги Петиция"га киритилиб, Англия инқилоби ҳужжатларида бир неча бор таъкидланди.

Стюартларни қайта тиклаш даврида Хабеас корпус тўғрисидаги Билль 1668 йилда парламентнинг умумпалатаси муҳокамасига олиб чиқилди. Лекин қонун қабул қилинмади. Шунингдек, 1670 ва 1675 йилларда яна шунга ўхшаган иккита билль ҳам умумпалата томонидан рад қилинди. Ниҳоят, 1679 йилда «Habeas Corpus act» қабул қилинди. Унда қиролликнинг шахс манфаатларига нисбатан бўлган ўзбошимчалик асосидаги муносабати тартибга солинди. Ушбу ҳужжатда давлатга хоинлик қилиш ёки оғир жиноятлар содир қилганликда айбланган шахслардан ташқари барча ҳолларда судларнинг «Habeas Corpus» қарорини чиқаришга мажбур эканлиги тўғрисидаги меъёр белгилаб қўйилди. Унга кўра, «Habeas Corpus» қарорини олган ваколатли шахс 8-20 кун мобайнида ҳибсга олинган шахсни судга олиб келиши лозим.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳуқуматга фавқулодда ҳолатларда фақат парламентнинг ҳар икки палатаси розилигини олгандан кейин бир йилдан кўп бўлмаган муддатга «Habeas Corpus»нинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи берилган эди. Бу чора жуда кам ҳолларда қўлланиларди. 1818 йилдан бошлаб эса, Англия ва Шотландияда ушбу қоида умуман қўлланилмаган.

«Habeas Corpus act»нинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, бу қарор билан эркинликка чиқарилган шахс судгача айнан бир турдаги содир қилган жинояти учун қайта қамоққа олиниши мумкин эмас эди. Шунингдек, ҳибсга олинган шахсни бир қамоқхонадан иккинчи қамоқхонага ўтказиш ҳамман қилинганди. Чунончи, мазкур ҳужжатнинг 12-моддасида шундай дейилади: **"Денгиз ортида (Англия ҳудудидан ташқарида) ҳибсга олишнинг олдини олиш мақсадида Англия қироллиги, Твиддаги Бервик шаҳри ёки Уэлсда яшовчи Англия қироллигининг ҳеч бир фуқароси қамоқ жазосини ўташ учун Шотландия, Ирландия, Джерсей, Гернсей, Танжер ёки бошқа гарнизонларга юборилиши мумкин эмас"**.

Агар шундай хатти-ҳаракатлар амалга оширилса, у ноқонуний деб топилади ва ўша жойларда ноқонуний тарзда қамоқда сақланган шахс уни ҳибсга олган шахс ёки идора устидан даъво қўзғатиш ҳамда қамоқда ўтирган ҳар бир куни учун моддий ва маънавий зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Агар мазкур қонунни олиб қарайдиган бўлсак, у жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодаловчи, ҳозирги даврдаги "айбсизлик презумпцияси" принципини ўзида акс эттирувчи ва шу билан бир қаторда давлат қонимияти органларининг фуқароларга нисбатан бўлган ўзбошимча хатти-ҳаракатларини тартибга солишга қаратилган ҳужжат ҳисобланган.

Шунинг учун ҳам ушбу ҳужжатнинг қирол ваколатларини чеклашга қаратилганини англаган ҳолда Карл II бир неча марта парламентни тарқатиб юборарди ва янги парламентни шакллантирарди. Бироқ янги парламент сайловларида барибир виглар ютиб чиқаверарди. Шунда қирол парламентни тамомила тарқатиб юборади ва тўрт йил мобайнида уни чақиримайди. Чунки бу пайтда виглларга нисбатан "қувғин" ишлари бошланган эди. Шундан сўнг ўта қаттиқ сиёсат олиб бораётган Карл II нинг меросхўри Яков II Стюарт Habeas Corpus act ни бекор қилади.

Шундай қилиб, нафақат Англия, балки бутун жаҳон ҳуқуқ дунёсида «Habeas Corpus act» инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат бошқарув органлари тазйиқидан ҳимоя қилувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлиб қолди. Бу ҳужжат Англияда кейинчалик инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг илк дебочаси сифатида тилга олинадиган бўлди. Чунки мазкур қонун асосида 1689 йилда яна бир муҳим ҳужжат — ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль ҳам қабул қилингандан кейин бир йилдан кўп бўлмаган муддатда «Habeas Corpus»нинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи берилган эди. Бу чора жуда кам ҳолларда қўлланиларди. 1818 йилдан бошлаб эса, Англия ва Шотландияда ушбу

Акмал БУРҲОНОВ,
Улуғбек ИБОДДИНОВ

Savol va saboq

"ҚОНУН КИМНИ ҚЎЛЛАЙДИ?"

ФЕЛЬЕТОН

(Давоми.
Боши учинчи бетда.)

Ҳаётда иккинчи даражали йўлдан биринчи даражали йўлга эҳтиётсизлик ёки эътиборсизлик оқибатида чиқиб кетиб, автоҳалокат содир этган ҳайдовчилар камми? Бундай воқеалар ҳаётда учраб туради. Шундан келиб чиққан ҳолда Т. Бозоров қилар ишни қилиб қўйиб, яна нега ёз-ёз қилиб юрибди экан, деган савол бизнинг ҳам кўнглимиздан кечди. Албатта, муҳтарам ўқувчимиз ҳам шу фикрда бўлса керак.

Бундай хулосага келишимизга яна бир жавоб хати сабаб бўлди. Бу хат ҳам ҳозирча ўзини жабрланувчи ҳисоблаётган Т. Бозоровнинг турмуш ўртоғи С. Исломованинг номига йўлланган. Келинг, газетхонни ушбу мактуб мазмуни билан ҳам таништириб ўтайлик:

"...Аниқланишича, турмуш ўртоғингиз Т. Бозоров ўз бошқарувида бўлган автоуловини Ангор тумани Мустақиллик кўчаси, яъни иккинчи даражали йўлдан бошқариб келиб, асосий йўл ҳисобланган ат-Термизий кўчасига чиқиб, Шеробод тумани томонга бурилгани — асосий йўлдан келаётган фуқаро Х. Эргашев бошқарувидаги автоуловини оралиқ масофа яқин қолганида ўтказиб юбормасдан амалдаги йўл ҳаракати қоидаларини бузгани муносабати билан фуқаро Х. Эргашевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши рад этилгани аниқланди.

Шу сабабли сизга ёзма равишда маълум қилинмоқда.

Вилоят ИИБ бошлиғи ў/б милиция подполковниги А.К. Турдиев".

Энди бунисига нима дейсиз? Демак, Т. Бозоровнинг ўзи айбдор экан-да, деган хулосага келасизми? Биз ҳам боя айтганимиздек, жабланувчининг ўзини айбдорга чиқариб қўйишимизга озгина қолди. Агар қўлимиздаги жавоб хатларини биргина мақолага сиғдиришнинг иложи бўлганида улар билан муштарийларимизни ҳам таништириб ўтардик. Т. Бозоров ва унинг турмуш ўртоғи С. Исломовалар ҳам тиниб-тинчимаган одамлар экан. Уч йил давомида турли идораларга ёзишдан зерикмабди ҳам, чарчамабди ҳам. Уларнинг мурожаатларига жавоб берган ташкилот ва идораларнинг хатлари ҳам бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Хуллас, қуйидан юқорига, юқоридан қуйига асосан бир хил мазмундаги жавоб мактублари жўнатилаверган. Агар Т. Бозоровнинг ўрнида бошқа одам бўлганида, албатта, "бор-эй, ўзим айбдор эканман-да", деб қўл силтаб юборган бўларди. Аммо бу Т. Бозоров дегандек ҳам бало экан, айтганидан қолмади. Мен ҳақман, деб туриб олди.

Халқимиз, чин кўнгилдан йиғласа, сўқир кўздан ёш чиқар, деган гапни бежиз айтмаган. Ниҳоят, орадан саккиз ой ўтиб, 2001 йилнинг 26 февралида Ангор туман судининг бўлиб ўтган воқеалар юзасидан ҳал қилув қарори чиқди. Хўш, Т. Бозоровнинг ўзи айбдор эканми, дейсизми?! Буни қарангки, шикоятчимиз айбдор эмас экан. Унда вилоят (собиқ) прокурори ва вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосарининг жавоби ёлғон экан-да, дейсизми? Бунисини билмадик. Билмаганимиз учун ҳам уларнинг жавоби қандай бўлса, шу ҳолича келтирдик. Жавобларни таҳрир қилиш ва уларга муносабат билдиришдан ўзимизни тийдик. Энди суднинг қарорига келсак, газетхонга аниқроқ бўлиши учун ундан ҳам озгина кўчирма келтириб ўтайлик:

"...Ангор туман прокуратурасининг даъвогар — Бозоров Тўлабойнинг манфаатини кўзлаб, жавобгар — Эргашев Худоймуроддан 1.800.000 (бир миллион саккиз юз минг) сўм ундириш ҳақидаги даъвоси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар — Эргашев Худоймуроддан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақидаги даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, даъвогар Бозоров Тўлабойга Эргашев Худоймуроддан моддий зарар учун 20.000 (йигирма минг) сўм, маънавий зарар учун 20.000 (йигирма минг) сўм ундирилсин...

Раислик қилувчи Ж.А. Қаюров".

Хуллас, ҳақ ўз ўрнида қарор топди. Ҳақиқат эгилди, букилди, аммо синмади-ку, дея хулоса чиқаришга шошилманг. Чунки хулоса чиқаришдан олдин қуйидаги масалаларга ҳам ойдинлик киритиш зарур.

Хўш, автоҳалокат 1999 йилнинг 17 июлида содир этилган бўлса, суд ўзининг одил қарорини 2001 йилнинг 26 февралида имзолаган бўлса, бу шикоятчиси тушмагур 2002 йил июл ойининг биринчи ўн кунлигида яна нимага аризабозлик қилиб юрибди, деган савол сизни безовта қилмаяптими? Ҳа, баракалла. Бизни ҳам шу савол ўйлантириб қўйди. Шунинг учун ҳам хатнинг давомини ўқишга тутиндик. Нима дейсиз? Ҳа, мактубнинг давоми сизни ҳам қизиқтираяптими? Марҳамат, танишинг. Бизнинг газетхонлардан яширадиган сиримиз йўқ. Хуллас, шикоят хатининг давоми қуйидагича:

"... Ангор туман суди чиқарган ҳал қилув қароридан миннатдорман. Ана шу қарорни қўлга олганимдан кейин менда яна адолат барибир тантана қилишига ишонч пайдо бўлди. Суд ижрочиси менга жавобгар Х. Эргашевдан 15.000 (ўн беш минг) сўм ундириб берди. Шундан кейин Х. Эргашев қолган пулни беришдан бош тортди. Унинг сўзига қараганда, автоҳалокат содир бўлган пайтда рулда Х. Эргашев эмас, бошқа одам бўлган экан. Машинада ўтирган ички ишлар ходимлари унга "сен бўйнингга олавер, ҳеч гап бўлмайди. Ҳаммасини ўзимиз тўғрилаймиз", деб ваъда беришган экан. Тўғри, аввалига улар ўз ваъдаларининг устидан чиққандек бўлишди. Мени айбдор қилиш учун роса елиб-югурдилар. Қайсидир маънода ниятларига ҳам етишди. Лекин ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларда фаолият кўрсатаётган инсофли ва ҳалол инсонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳақиқат қарор топди. Менинг айбсиз эканим исботланди. Шундан кейин суднинг ҳал қилув қарори билан менга етказилган зарарни тўлаш Х. Эргашевнинг зиммасига юкланди. У эса тўловдан бош тортаяпти...

Бундан ташқари, ёниб кетган машинам туман ИИБси ихтиёрида турган пайтда айрим эҳтиёт қисмлари ҳам талон-тарож қилинган. Машинамни уйга олиб келганларида терговчи А. Сафаровга бу ҳақда маълум қилганман. Терговчи "ишингиз бўлмасин, ўзимиз тўлаймиз", деб ваъда берган эди. Бу ҳам ваъдалигича қолиб кетди. Мен эса ҳамон турли идораларга шикоят ёзаяпман. Улар эса, "албатта, пулингизни оласиз", дейишдан нарига ўтмаяпти. Қилаётган ҳаракатларимнинг фойдаси борми-йўқми, билмадим...

Ҳурматли таҳририят ходимлари, илтимос, менинг биргина саволимга жавоб берсангизлар. Қонун кимни қўллайди, ўзи?.."

Хўш, сиз нима дейсиз, азиз муштарий, қонун кимни қўллайди? Мақоламиз бошида камгап ҳамкасбимиз айтганидек, прокуратура, суд ва ички ишлар ходимлари қонун устуворлиги учун курашадиларми ёки аксинчами? Ёки юртбошимизнинг ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ҳақидаги сўзларидан сурхондарёлик ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бехабарми? Агар хабардор бўлганларида биринчи гуруҳ ногирони бўлган касалманд ва кекса фуқарони уч йилдан буён бор отангга, бор онангга қабилида овора қилишмасмиди? Яна ким билади, дейсиз. Агар вақтлари бўлиб, бизнинг мақоламизга жавоб ёзсалар, нега Сурхондарёда инсон тақдирига бу қадар эътиборсизлик билан қаралаётганининг сабабини билиб олсак зиён қилмасди.

Нима дединг из? Ҳа, жавобдан биз ҳам бехабар қолмайлик, деяпсизми? Албатта, газетхонларимизнинг талабини бажо келтириш биз учун қонун. Агар Сурхондарё вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари бизга жавоб йўллашса, шубҳасиз, у билан муштарийларимизни ҳам таништирамиз. Хуллас, буёғига кутиб турамиз энди...

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mitti maslahat

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Охирги иш куни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади. Иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш Меҳнат Кодексининг 87, 89, 97, 99, 100, 105, 106-моддалари ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда бўлиши талаб қилинади.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Хусусан, ходимнинг касаллиги, ногиронлиги, нафақага чиқиши, олий ёки ўрта махсус ўқув юрти ёхуд аспирантурага қабул қилиниши ва бошқа сабаблар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйрукда айнан кўрсатилади. Меҳнат Кодексининг 107-108-моддаларига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхаси берилиши шарт.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимга иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса; меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ёки меҳнат шартномаси бекор қилинган куни; 2) Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаётган ходимга ҳисоб-китоб қилиш талаб этилган куни тўланиши керак.

Шунингдек, меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда эса унга тегишли иш ҳақи ва унинг миқдори хусусида низо бўлмаса, қонун бўйича ёки шартномага мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ходим ишни ташлаб кетишга ҳақли бўлган кундан кечиктирмасдан иш берувчини огоҳлантириши шарт;

Бундан ташқари, Меҳнат Кодексининг 100-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга тегишли ҳақнинг миқдори юзасидан низо чиққан тақдирда, ходимга тегадиган суммани ушбу моддининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда тўланиши шарт.

Демак, меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш ҳам нозик масала бўлиб, ушбу ҳолатни қонунга мувофиқ равишда амалга ошириш фуқароларнинг қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари кафолатини таъминлайди.

Наргиза ДЎСИМБЕТОВА

Badnafslik

ПОРАХЎРНИНГ ИШТАҲАСИ

Бир марта қинғир ишга қўл урган киши бора-бора унга одатланиб, жиноят йўлига киргинини сезмай қолади. Чунки у биргина ўзини эмас, атрофидагиларни ҳам шундай қилишга ўргатиб қўяди.

Илҳомжон Бадриддинов "Учқўрғонёғ" ҳиссадорлик жамиятига бош тақсимотчи бўлиб келгандан кейин оёқ босиши бирдан ўзгариб қолди. Чунки ҳиссадорлик жамияти кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотлардан бири — ёғ-мой ишлаб чиқариб, уни хўжалик ва савдо шаҳобчаларига тарқатишни зиммасига олган. Ҳеч кимга сир эмас, ёғ бўлмаса, рўзғор қозони қайнаши қийин. Шу тарафдан қараганда, ёғ-мой ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳиссадорлик жамиятининг бозори чаққон. Харидорни чақириш ёки маҳсулотни реклама қилишга ҳожат йўқ. Қайси хўжалик ёки савдо шаҳобчасига ёғ керак бўлса, таъминотчи дегани ўз оёғи билан етиб келади. Буни Илҳомжон ҳаммадан кўра яхши билгани учун идорада ўтириб, бу хусусда узоқ ўйланди ва янги режалар тузди. У ўзига-ўзи «биргина имзоим бўлмаса, бу даргоҳдан ҳеч ким бир кило ёғни олиб чиқишга ҳаққи йўқ. Шундай экан, бунинг шундай йўлини қилиш керакки, токи чўнтак қурғур ҳувиллаб қолмасин», деди.

Шундай кунларнинг бирида Тўрақўрғон туман "Шаҳанд" хусусий дўконлар уюшмаси таъминотчиси Илҳом Йўлдошев қўлида пул ўтказилгани хусусидаги тўлов қоғози билан ёғ масаласида учради. Илҳомжон у билан ҳол-аҳвол сўрашиб:

— Келинг, бизга қандай хизматлар бор? — деди.

Таъминотчи пул ўтказганини ва қўл қўйиб берса, бугуноқ ёғни олиб кетмоқчи эканини билдирди.

— Ҳозирча бунинг иложи йўқроқ, борини ҳам ширкат ва фермер хўжаликларга тарқатиб турибмиз,— деди Илҳомжон унинг кўнглига қўл солиб.

— Энди, шу ёғ бўлмаса, дўконга харидор кирмай қўяди. Бир иложини қилинг,— деди таъминотчи ялингандек.

Бошлиқ ҳийла тўрига илина бошлаган "ўлжа"сини аста-секин ўзига томон торта туриб:

— Ҳали бутунлай иложи йўқ демадим-ку. Сиз ҳам бизни бу идорада бекордан-бекор пашша қўриб ўтирибди деб ўйламасангиз керак.

Ниҳоят, таъминотчи Илҳомжоннинг мақсадини тушунди. Ишнинг осонлик билан ҳал бўлишига кўзи етмади.

— Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, нима десангиз биз хизматга тайёр, — деди таъминотчи унга ноилож.

Ваъдага мувофиқ 2001 йил 20 сентябр куни эрталаб Илҳом Йўлдошев идора ёнидаги кўчада кутиб турган бир нотаниш йигитга 5390 кг. ўсимлик ёғини олиб чиқиш учун 290 минг сўм келтириб берди.

Илҳомжон ҳийла тўрини пишиқ қилиб тўқиганидан бехад қувониб, унга бошқа "ўлжа"ларнинг тушишини пойлаб ўтирадиган бўлди. Тўрақўрғон туманидаги "Хўжанд" УВТМ таъминотчиси ҳам ўзидан олдинги таъминотчининг ҳолини бошдан кечирди. Илҳомжоннинг иштаҳаси очилгандан очилиб бориб, тўрт минг кило ёғни олиб чиқиб кетиш учун ундан ҳар бир килосига 40 сўмдан беришни талаб қилди. Таъминотчи ҳам ишим тезроқ битса деб ўйлар ва овора бўлиб юргандан барибир фойда йўқлигини тушунарди. Бунга кўнмаган «қайсар» таъминотчи идоранинг даҳлизида сарғайиб ўтираверади ва буни ким ҳам хоҳлайди дейсиз?

Шу тариқа икки таъминотчидан тузуккина "улуш" ундирилгандан кейин Илҳомжон бошқаларидан ҳам шундай қилишни кутадиган бўлди. Бироз у ёқ бу ёққа ташлаб, қайсарлик қиладиганларни "эртага келинг, индинга келинг" деган турли баҳоналар билан қайириб оладиган бўлди. Бунинг учун унга ортиқча бош қотириш ёки ташвиш чекиш шарт эмас. У бор-йўғи қонуний тарзда олиб кетиладиган ёғни бироз тўхтатиб турса бас. Таъминотчи бир кун қарайди, икки кун қарайди, иш битмагандан кейин унинг олдига ўзи ялиниб киради. Шу билан ўзаро "битим" тузиш хусусида ўзидан-ўзи таклиф тушади. Шундан кейин Илҳомжон ҳам ўзи ўйлаб қўйган шартларни унга маълум қилади.

"Учқўрғонёғ" ҳиссадорлик жамияти ёғ-мой билан бирга чигит чиқиндисидан кунжара ҳам ишлаб чиқаради. Кунжара эса чорва моллари учун тўйимли озуқа. Бўрдоқичилик базаси таъминотчиси Собиржон Тўхтаматов 8 тонна кунжара олиш учун ҳиссадорлик жамиятининг ҳисоб рақамига пул ўтказди. Шу билан бу ёғи силлиқ кўчади деб янглишганини у кейинчалик тушуниб етди. Илҳомжон унга ҳам сирли "тўсиқ" ясаб қўйган бўлиб, бундан хатлаб ўтиш осон эмасди. Илҳомжон кунжарага ҳам харажат қилинади, уни сизга ўхшаган таъминотчилар ҳисобидан қопламасак, қандай қиламиз, қабилида баҳона тўқиди. Бунинг учун ундан 40 минг сўмни қуртдек санаб олди. 2001 йил 2 ноябр куни Чортоқ туманидаги Навоий номидаги ширкат хўжалигининг ем-хашак омборчиси ҳам ҳужжатда қайд қилинган 15 тонна кунжарани олиш ўрнига 14 тонна кунжарани олиб чиқишга мажбур бўлди. Шунингдек, Тўрақўрғон туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигига қарашли "Акмал-М" фермер хўжалик раҳбари 25 тонна кунжара олишга ишонч қоғози келтирганига қарамасдан ундан 300 минг сўм талаб қилинган. Ҳиссадорлик жамиятида кунжара омбори мудири Аюбхон Шодиев пора олишнинг антиқа усулини ўйлаб топди. У бир уюм қуруқ кунжарага сув қўшиб, хўллаб қўядиган бўлди. Албатта, сув қўшилган кунжара қотиб, озуқалик сифати пасаяди. Буни Аюбхон ғаламислик учун қилган, деб ўйласангиз хато қиласиз. Лекин у чўнтакни тўлдиришнинг устаси франглардан экани тезда маълум бўлди. Кунжара учун келган таъминотчиларга аввал сифати паст кунжарани кўрсатади. Буни ҳеч ким олмаслиги аниқ. Пул ўтказган таъминотчи қуруқ қайтиб кетишни истамай бир иложини қилиб қуруқ кунжара топиб беришини ўтиниб сўрайди. Шунда Аюбхон ҳам ўзи тўқиган ҳийла тўридан мамнун бўлиб, "қуруғи"дан чўзсангиз, сизга ҳам "қуруғи"дан топамиз, дейди. «Ойқирон» ширкат хўжалиги омбор мудири Равшан Адашев пул ўтказган 10 тонна кунжарани қуруқ ва сифатли ҳолда олиб чиқиш учун 20 минг "қуруғи"дан чўзди. "Акмал-М" фермер хўжалиги бошлиғи 10 тонна кунжарани олиб кетадиган чоғда ҳар бир кило кунжара учун ортиқча 2 сўмдан санаб берди.

Порахўрлар тўқиган ҳийла тўрини фош этишда назорат ходимлари анча вақт овора бўлишди. Судда Илҳомжон Бадриддинов айбига иқрор бўлмасдан суддан қуруқ чиқишга уриниб кўрди. Унинг сўзига қараганда ҳаммаси туҳмат, шунча порани олгани ёлғон экан. Бироқ унинг бу гапи исботини топмади. У судда ўтирганларни ҳам анойи деб ўйлади шекилли. Хуллас, Илҳомжон Бадриддинов ўн йил, Аюбжон Шодиев эса беш йил-у олти ойга озодликдан маҳрум қилинди ва келтирилган зарарни эгаларига қайтарилди.

Раҳимжон ҲАКИМОВ

Келинг, улишайлик

Кекса овчи ўзининг Ҳиндистондаги саргузаштларини гапириб бермоқда:

— Шунда йўлбарсга ташландим-да, қиличнинг бир ҳамласи билан думини кесиб ташладим.

— Нега бошини эмас? — деб сўради тинглаб ўтирган аёллардан бири.

— Бошини мендан аввал кимдир кесиб ташлаган экан.

* * *

— Азизим, — деб шивирлади йигит келинга никоҳ кечасига келган меҳмонлар тарқагач, — сен энди умр бўйи менинг хунук башарамга чидайсан...

— Нега ундоқ дейсан? Кундуз кунлари ишда бўласан-ку?

БАРЧА ТАДБИРКОРЛАР ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«Тадбиркорбанк» аҳолидан қуйидаги омонат турларини таклиф қилади:

- Йўқлаб олинадиган омонат тури бўйича йиллик - 10 фоиз;

- Олти ой муддатга бўлган омонат бўйича йиллик - 35 фоиз;

- Бир йил муддатга бўлган омонат бўйича йиллик - 40 фоиз;

- Уч йил муддатга бўлган омонат бўйича йиллик - 60 фоиз;

- Олти ой муддатга бўлган "Тадбиркор" муддатли-мақсадли омонат тури бўйича йиллик 35 фоиз, унинг бошланғич маблағ миқдори 5000 сўмдан кам бўлмаслиги керак, бу омонат бўйича фоиз тўлови маблағ қўйган куни ёки мижознинг талаби билан тўлаб борилади;

- Уч йил муддатга бўлган "Соғлом авлод" омонат тури бўйича йиллик 60 фоиз;

- "Болажон" муддатли мақсадли омонат тури уч йил муддатга йиллик 24 фоиз, бошланғич маблағ миқдори 10000 сўмдан кам бўлмаслиги керак (капитализация қилинади);

- "Хирмон" муддатли омонат тури бир йил муддатга йиллик 35 фоиз, бошланғич маблағ миқдори 10000 сўмдан кам бўлмаслиги керак;

- "Нуроний" муддатли-мақсадли омонат тури бир йил муддатга йиллик 40 фоиз қилиб белгиланган. Бу омонат бўйича фоизлар ҳар чоракда тўлаб борилади.

ЭЪЛОН:

Адлия вазирлиги муассислигида чоп этилаётган "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси ва "Ҳаёт ва қонун" ҳуқуқий журнали бирлашган таҳририятга айлантирилгани сабабли мазкур нашрларнинг хизмат гувоҳномалари бекор қилинади. Шу муносабат билан барча мухбирлар бирлашган таҳририятнинг янги хизмат гувоҳномаларини олишлари шарт.

Jaholat yo`li

ЛОҚАЙДЛИК ҚУРБОНИ

СУД ОЧЕРКИ

Инсон ва унинг ҳаёти ҳар доим муқаддас саналади. Шу боис инсон нафақат тириклик чоғида, балки ўлимидан сўнг ҳам эъзоз ва эҳтиромга лойиқ. Халқимизнинг марҳумлар ҳақида ҳуда-бехуда ножўя сўз айтмаслигининг замирида ана шундай ҳикмат мужассам. Бироқ ҳаётда турғун нарсанинг ўзи йўқ. Қолаверса, хом сут эмган банданинг гуноҳу савобини ўрни келганда яширишга ҳожат ҳам қолмайди. Шуларни ҳисобга олганда, қуйида баён этилаётган воқеага шунчаки ёндашиш мумкин эмас. Яъни марҳум хотирасини бир зумга бўлса-да эсдан чиқармаган ҳолда у билан боғлиқ кечмишларни рўй-рост тасвирлашдан кўзланган мақсад ундан муайян хулосалар чиқариш ва одамларни огоҳликка даъват этишдан иборат, холос. Бундай дейишимизнинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Гап шундаки, баён этилаётган воқеа кўплаб муҳим жиҳатларни қамраб олгани билан киши эътиборини ўзига жалб этади. Энди гапни узоқроқдан бошласак, хўжайлилик Турсуной дастлабки турмушидан ёлчимади. Ёлғизгина қизи билан бевалик номини бўйнига олди. Касал ҳолига қарамай, ҳаётдан умид кутиб яшади. Ўзининг соғайиб кетиши ва қизининг бошини бир меҳрибон қўл силашига қатъий ишонган аёл турмушнинг барча қийинчиликларига сабот билан чидаб, нурли келажак сари интилди. Шундай умидбахш кунларнинг бирида Қолбой исмли йигит билан танишиб қолди. Аёл қалбини ром этолган Қолбой унга уйланаман, деб ваъда берди. Ширин сўзлару ваъдаларга учган Турсуной инонихтиёрини қандай қилиб йигитга топшириб қўйганини билмай қолди. Иш шу даражага етдики, Турсуной Қолбойдан бола орттириб олди. Бироқ тез орада Қолбойнинг оилали, бола-чақали экани аён бўлди. Қолбой маишатпараст кимса бўлиб, Турсунойнинг кўйинини пуч ёнғоқ билан тўлдириб юрган эди. Шу боис у Турсунойнинг ҳомиладорлигини эшитиб, жон-пони чиқиб кетди. Нима қилиб бўлса-да, болани йўқотиш пайига тушди. Бироқ Турсуной болани олиб ташлашга рози бўлармиди? Бола керак, туғаман, деб оёқ тираб туриб олди. Қолбой эса боланинг отаси эканини тан олиб қочадиган, унинг уйига онда-сонда келиб, оз-моз пул бериб турадиган бўлди. Қолбойнинг номардлигидан ғазабланган Турсуной боланинг отаси эканини тан олиши, акс ҳолда одамлар ўртасида шармандa қилишини айтди. Бу эса Қолбой учун нақ қиёматнинг ўзгинаси бўлиб туюлди. У зўр бериб хушторини ниятидан қайтаришга урина бошлади. Аммо Турсуной «деганимдеган» деб тураверди. Шу тариқа Турсунойнинг кўзи ёришига тобора қисқа вақт қолаверди. Нима чора кўришини билмай юрган Қолбой 2001 йилнинг 3 декабр куни ярим тунда яна хушториникига йўл олди. Бемаҳалдаги ташрифдан норози бўлган Турсуной унга кўпам мулозамат кўрсатмади. Ўзаро тортишув даҳанаки жанжалга айланди ва уларнинг шовқинидан Турсунойнинг беш яшарлик қизчаси ҳам уйғониб кетди. Роса бақир-чақир қилишгач, Қолбой ўзини босиб олиш учун ошхонага йўл олди. Ошхонада сув ичаётиб, газ плитаси ёнига суяб қўйилган болтага кўзи тушди. Ногаҳон унинг хаёлига ярқ этиб Турсунойни ўлдириш фикри келди. Мудҳиш ниятини амалга ошириш учун болтани қўлига олиб, Турсуной ётган хонага кирди. Кейин ҳеч нарсадан хабари йўқ аёлнинг бошига кетма-кет болта билан ура бошлади. Сал ўтмай аёл ҳаёт билан абадий хайрлашди. Кўзи қонга тўлган қотил уй бурчагида қалтираб турган қизалоқни ҳам аяб ўтирмади. У ҳам болта зарбидан сўнг жон топширди. Қотил эса эшикни ёпиб, бамайлихотир уйига йўл олди. Ўрнига чўзилгачгина у ўз қилмишини англай бошлади. Тунни ит азобида ўтказиб, чошгоҳ маҳал чидолмасдан яна Турсунойнинг уйига йўл олди. Уй олдига боргач, марҳумларнинг хуни гирибонидан тутди шекилли, ўз айбига иқрор бўлишга қарор қилди. Аянчли аҳволда маҳалла қўмитасига бориб, қўмита раисини мудҳиш қилмишидан воқиф этди. Тезда етиб келган ички ишлар бўлими ходимлари жиноятчининг қўлига кишан солишди. Дастлабки терговдаёқ Қолбой айбини бўйнига олди. Унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судга оширилиши арафасида туман прокурори номига қуйидаги мазмунда ариза келиб тушди.

"...Биз Қолбойнинг ота-онаси билан қирқ йилдан буён қўшни бўлиб яшаймиз. Қолбой кўз ўнгимизда туғилиб, вояга етди. Унинг шу ёшга чиққунга қадар ҳеч кимга ёмонлик қилганини кўрмадик. Меҳрибон ва адолатпарвар йигит. Шу сабабли унинг жиноят содир этганига ишонмаймиз. Унга нисбатан ноҳақлик юз берган. Илтимосимиз шуки, ҳақ одамнинг ҳақ бўлиб чиқишига ёрдам беринг. Бир гуруҳ қўшнилари".

Ушбу хат кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Чунки ўзларини ён қўшни деб атаган одамларнинг кўра-била туриб жиноятчининг ёнини олишга уринишгани кишини кўплаб мулоҳазаларга чорлайди. Зеро, улар Қолбойнинг қандай турмуш кечирганини жуда яхши билишган. Унинг ахлоқсизлиги, Турсуной билан дон олишиб юрганини билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка олишган. Бу эса даҳшатли жиноятга йўл очган. Эҳтимол, улар ўзларини айбдор санашмас, лекин у ҳолда нега қотилнинг жиноятини хаспўшлашга уринишди? Бу саволга ҳозирча жавоб йўқ. Албатта, марҳумани ҳам оқлаб бўлмайди. Лекин баён этилган хатни ёзган қўшниларнинг қилмишини қандай изоҳлаш мумкин? Бизнингча, Турсуной лоқайдлик қурбонига айланган дейишга тўла асос бор. Унинг қўшнилари, маҳалла аҳли, қариндош-уруғлари ўз вақтида эътибор беришиб, масалага лоқайдлик билан қарашмаганда, эҳтимол, мудҳиш жиноят содир бўлмас эди. Лоқайдлик ахлоқсизликка замин яратган, ахлоқсизлик эса жиноят содир этилишига сабаб бўлди. Албатта, суд Қолбойга қонуний жазо тайинлади. Лекин лоқайдликка қандай жазо берилиши керак?

Бу энди ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

Шухрат ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос

Qing`irlik

ТЎЙБОЙНИНГ МОЙЖУВОЗИ

Тўйбой Қодиров ёшлигидан ошиқ ўйнашни хуш кўрарди. Шу боисми, кейинги пайтда унинг ошиғи доимо олчи турадиган бўлди. Бошқача айтганда, у кунига мойли таом ейишга одатланди. Чунки Тўйбой "қўлбола" мойжувоз масламаси қуриб, ноқонуний равишда ёғ ишлаб чиқара бошлаган эди. Аста-секин жиғилдони ҳаккалак отиб, таркибида зарарли модда бўлган, истеъмолга яроқсиз пахта ёғини ҳамқишлоқларига пуллашга киришиб кетди. У бу ҳаракати билан кишиларнинг касалга чалиниши ёки соғлигига зарар етказиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди.

Тўйбой уйида "қўлбола" мойжувози борлигини "сир" тутишга уринарди. Шу боис мижозларидан ўзининг Қизилтепа туманидаги "Тавовис" ширкат хўжалигининг "Арабхона" қишлоғида истиқомат қилишини ҳам яширарди. Бироқ қинғир иш қинғирлигича қолиб кетмади. У Навоий вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси тезкор гуруҳ ходимларидан қочиб қутула олмади.

Энди Т. Қодиров қилмишига яраша жазосини олиши тайин. Ҳозирда у чигитни кимдан олгани, электр нуридан ўғринча фойдаланган ҳамда солиқ идораларидан яширинча иш қилгани учун жавоб бермокда.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Ҳуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифалан- ди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи:
Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи:
Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари:
Мадина АБДУЛЛАЕВА,
Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65,
133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.